

ISSN 2181-9521

№ 4-son, 2022



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



## 9 апрель – Соҳибқирон Амир ТЕМУР таваллуд топган кун

Амир Темур бобомизнинг “Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ЭЛЧИСИ

Инсоният тарихидаги барча тамаддунлар фақат АДОЛАТ орқали ривожланган, камол топган, шон-шухратга эришган. Адолатсизлик туфайли эса таназзулга юз тутган.

Адолатга қадимдан давлатчилигимизнинг асосий тутуми сифатида қараб келинган. Бунга виқорли тарих зарварақларида олтин ҳарфлар билан битилган битиклар гувоҳлик беради.

Адолат ва ҳақиқат элчиси тимсолида инсоният тараққиёти тарихидан муносиб жой олган Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур бобомиз салтанатининг пойдевориغا айланган “Куч – адолатда” шиорининг ҳаётга жорий этилиши орқали инсон кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. Буюк бобомиз таъбирлари билан айтганда, “Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”. Баъзи бир манбаларда келтирилишича Соҳибқирон ўзининг салтанатида адолат вазири лавозимини жорий этган экан.

Амир Темур ҳаёти ва фаолияти бўйича энг ишончли манба – Шарафиддин Али



Яздийнинг “Зафарнома” китобида қайд этилишича, Соҳибқирон шундай деган экан: “Менинг мақсадим давлат ишларида адолат, тартибни, қонунчиликни тиклашдир. Фуқаролар тинч-тотув яшасинлар дейман... Мен шариат ва қонунчиликни ўрнатай”.

Машҳур тарихчи олим Ибн Арабшоҳнинг кундаликларида ёзиб қолдиришича, салтанати доғруғи етти иқлимга танилган Амир Темур тамғасининг нақши “Рости-русти”,






яъни “хақгўй бўлсанг, нажот топасан” деган пурмаъно моҳиятни қамраб олиб, унинг байроғи уч халқадан иборат бўлиб, “Куч – адолатда” деган ёзув туширилган.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жабру зулмга, ситамга қарши курашиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ бўлиб кун тартибига чиқаётган бир пайтда Соҳибқирон бобомизнинг ўғитлари ҳамон инсониятни эзгулик қилишга чорлаб турибди. Зеро, улкан салтанат ҳукмдори сифатида бобомиз ўз бошқарувида адолат тамойилларини ҳамма нарсадан устун қўйган. Неча асрдан бери қўлдан қўймай мутолаа қилинадиган, ҳатто давлат раҳбарлари ҳам фаолиятлари давомида мурожаат қилиб турадиган “Темур тузуклари”да қуйидагича ёзиб қолдирган: “Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим”, “Агар кадхудолар ва калонтарлар кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимнинг кўтаришича жарима солсинлар. Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин”.

Булардан кўриниб турибдики, раиятга яъни оддий инсонларга асосиз жабру си-

там ўтказадиган, адолатсизлик қиладиган зулмкорлар ва зўравонлар билан мурасиш бўлган. Уларга қаттиқ жазо чораларини қўллаган. Шунинг учун мансабдорлар адолатсизликка йўл қўйишдан қаттиқ кўрқишган.

Шу ўринда алоҳида қайд этишни истардим-ки, давлат ва жамият ҳаётида адолат қарор топиши учун масъул бўлган биз судьялар ўзимизнинг кундалик фаолиятимизда Соҳибқирон бобомизнинг “Темур тузуклари”да кўрсатиб кетган ўғитларига қатъий амал қилишимиз шарт. Ана шунда қабул қиладиган суд ҳужжатларимиз адолат ва ҳақиқат тамойилларига мос бўлади.



**Улўбек БОЗОРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман судининг раиси.

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шаҳбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 15.04.2022 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12 Адади 2610  
Баҳоси келишилган нархда

“ТИРОГРАФИЯ POLIAR” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кучаси, 117-уй, 19-хонадон

**МУНДАРИЖА****КУН МАВЗУСИ****6****АДОЛАТ ШАЪМИ****8****“АДОЛАТ ҲАР БИР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!”****9****“ҚОЗИГА ЯХШИ ҲУНАР — ИЛМ ВА МУЛОЙИМЛИКДИР”****10****“... УЛ КУННИНГ ОТИН НАВРЎЗ ҚЎЙДИ”****МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ****11****КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ****14****ТАҲЛИЛ****СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАЛАР****ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ****16****ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН НОАНИҚЛИКЛАР: МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУНОСАБАТ****18****ЖАРАЁН****СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ИМКОНияТЛАРИ****МУҲИМ МАВЗУ****20****КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ****22****ИНСОН ВА ҚОНУН****ТИББИЁТГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

НУҚТАИ НАЗАР

24

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМИЯТ  
ОСОЙИШТАЛИГИ

26

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

“ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” КОНЦЕПЦИЯСИ

ОЛАМ ВА ОДАМ

28

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ  
ТАМОЙИЛЛАРИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

30

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ДАЛИЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ:  
САБАБ ВА ОҚИБАТ

МЕНИНГ ФИКРИМ

33

СПОРТ СОҲАСИДАГИ  
ШАРТНОМАЛАРНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

36

МУНОСАБАТ

МАШҲУР ХУҚУҚШУНОС АЁЛЛАР  
ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

37

ЎЗБЕКНИНГ МЎЎТАБААР АЁЛЛАРИ

38

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЭҲТИЁЖИ

39

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАР  
ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

40

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, МОДДИЙ  
ЖАВОБГАРЛИК, ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

41

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

42

СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ:  
МУАММО ВА ЕЧИМ

44

МУЛОҲАЗА

САЙЛОВГА ОИД НИЗОЛАРНИ КЎРИБ  
ЧИҚИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:  
КЕЧА ВА БУГУН

СУД ОЧЕРКИ

46

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

47

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

ВАЖНАЯ ТЕМА

48

НОРМАТИВНАЯ ОСНОВА  
ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
АППАРАТА ПАРЛАМЕНТА В  
НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

51

НОВЫЙ ЭТАП

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРАВОВОЙ  
РЕГЛАМЕНТАЦИИ КОНФИСКАЦИИ  
ИМУЩЕСТВА ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ  
БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ

ТЕМА ДНЯ

54

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУДЕЙ  
ПЕРСПЕКТИВЫ И ПРОБЛЕМЫ

57

COMPARATIVE ANALYSIS

MINORITIES AND THE RIGHT TO  
DEVELOPMENT IN INTERNATIONAL LAW

RESEARCH

60

PECULIARITIES OF RULE-MAKING IN  
THE INSTITUTE OF CONSULAR PROTECTION



**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,**  
Ўзбекистон  
Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси



## АДОЛАТ ШАЪМИ

*Ўз қудратимни сақламоқ учун мен бир қўлимда адолат шаъмини, иккинчи қўлимда безаразлик шаъмини тутиб, ҳар икки шаъм бирлан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қондаларига риоя қилдим.*

**Амир ТЕМУР**

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг бош таъйини адолатга асослангани – унинг беназир ақл-заковати ва юксак тафаккури, ўз халқининг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини мукамал билган инсон бўлганини кўрсатади. Амир Темур давлатида арзбеги лавозими жорий этилган бўлиб, давлат кенгашида бу амалдорнинг алоҳида ўрни бор эди. Унинг вазифаси арзга келганларни тинглаб, одилона ҳукм чиқаришдан, баъзи бир муҳимларини Соҳибқирон хузурига олиб кириш ва илтижоларини ҳар қандай шароитда ҳам адолатли ҳал этишдан иборат эди.

Бундай ҳукмдорлик фақат Амир Темурга хос эди. Шу боис у халқ эътиромини қозонди. Соҳибқироннинг яна бир улугъ фазилати – ақл-заковатли, ҳалол-покиза, садоқатли, фидойи, ўз фаолиятини фақат давлат, халқ манфаатига бахшида қиладиган диёнатли, оқилу фозил кишиларни атрофига тўплай олганлиги эди. Улугъ бобокалоннинг ўз авлодларига қарата айтган ушбу сўзлари замирида пухта асос ҳамда адолатли жамият қуриш учун мукамал дастур мужассам:

*“Адолат ва инсоф билан Тенгримнинг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳларимни, раиятни умид ва қўрқинч орасида тутиб турдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим.*

*Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариятга мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳдорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм етказмадим”.*

Амир Темур ҳаётининг мазмунини адолат билан бирга, инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони ташкил этган. У оламнинг ярмига жаҳонгирлик қилган бўлса ҳам куч-қудрат – зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча адолатда эканини муҳим деб билган.

Соҳибқирон ўз фаолияти давомида ҳар бир мо-жаро ва муаммоли ишларни диққат билан текшириб кўрган. Ҳаққоният ва адолат билан иш тутган. Ўз фуқароларига раҳм-шафқатли бўлган. Камбағалларга кўп хайру эҳсон қилиб турган. Бунинг натижасида унинг қудрати ошиб борган.

Соҳибқирон салтанатидаги адолат ва хавфсизлик шунчалар барқарор эдики, буни тарихчилар, “агар, мамлакатда ёш бола бир товоқ олтинни бошига қўйиб, мағрибдан машриққача борса, ҳеч ким унга қўл чўзмас ва олтиндан биттаси ҳам камаймас эди”, дея таърифлаганлар.

“Яхшиликни очик чеҳрали кишилардан кутинлар”, дейилади муборак ҳадисда. Адолат ҳам шундай: нафрат ва ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари қонун ўрнини боса олади. Зеро, “Қонун – қонун бўлганлиги учун эмас, балки унда адолат акс этганлиги учунгина қимматлидир”.

### АМИР ТЕМУР НЕГА ЎЗ ЎҒЛИГА ЎЛИМ ҲУКМИ ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЭДИ?

Соҳибқирон қўллаган жазолар шафқатсиз, аммо адолатли бўлган. Қонунни бузгани учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Султония ноиби бўлмиш ўғли Мироншоҳ Мирзо яқин амалдорлари билан биргаликда маишатга беришиб, зулму ситам ҳаддан ошади, давлат хазинаси бўшаб, аҳоли оғир аҳволга тушади.

Бундан хабар топган Соҳибқирон Султонияга лашкар тортиб боради. Беклар ва амирлар кенгашини чақириб, айбдорларни жазолаш ҳақида маслаҳат олади. Шундан кейин, ўз ўғли Мироншоҳ Мирзо ва уни бу йўлга бошлаган барча амалдорларга ўлим жазоси бериб, уларнинг барча молу-мулки мусодара қилинсин, деб буюради.

Бундай қатъий ҳукмдан даҳшатга тушган мулозимлар Соҳибқироннинг пиру муршиди Саййид Баракага мурожаат қилиб, ўртага тушишни илтимос қиладилар. Амир Темур унинг илтимосини қабул қилмайди. Бир неча амалдорлар ўлдирилгандан кейин,

Мироншоҳ Мирзога навбат етганда, жаллод уни жазо тахтасига ётқизиб, бошини кесмоқчи бўлади. Саййид Барака Амир Темурга, мазкур ҳукм амалга оширилса, теурийлар авлодида ўғлини ўлдириш анъана тусини олиш хавфи борлигини яна бир бор уқтиради. Ўшандагина Амир Темур Мироншоҳ устидан чиқарган ўлим ҳукмини бекор қилади. Лекин барибир, ўғлини ҳукмдорлик ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Ўша замон муаррихлари ёзиб қолдирган асарлардан маълум бўлади-ки, Амир Темур халқ манфаати йўлида адолатни бош мезон қилиб кўтарган ва бунга амал қилмаганларнинг ким бўлишидан қатъий назар аёвсиз жазосини берган.

Амир Темур шахсий ҳаётида уч мўътабар асос – диёнат, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган.

Шундай ривоят бор: кунларнинг бирида Соҳибқирон икки амалдорни ҳузурига чақириб, биринчисига шундай деган: “Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим”. Шунда у: “Олампаҳо, менинг ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб ва мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики, мендан кўнглингиз қолди?” – деб ҳайрон бўлганида, мана бу жавобни олган экан: “Тўғри, ўзингизнинг вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманликка берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Тунов куни масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай ва салом бермай ўтиб кетибсиз. Ҳатто, қабристондан ҳам Қуръон ўқимай отда ўтибсиз. Бунга ўхшаш маълумотлар анча тўпланиб қолди. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси ўзингизни тарбиялаб олинг, сўнг сизни эътибордан четда қолдирмаймиз, албатта”.

Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: “Сизнинг муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди. Шу боис, сиз ҳам ундан озод этилдингиз”.

Бундан кўринади-ки, Соҳибқирон Амир Темур у ёки бу амалдорнинг ҳаддидан ошмай, ўзига берилган ваколат доирасида сидқидилдан хизмат қилишига катта эътибор берган. Шунингдек у ношуд ва зарби йўқ мансабдорларни дарҳол бўшатган. (“Кимнинг сўзи худди қамчидек таъсир кучига эга бўлмаса, у раҳбарликка лойиқ эмас”, деганлар).



Натижада, Соҳибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқоқ, ҳалол, ўз фикр-мулоҳазаларини ошкора айта оладиган очиқ юзли мансабдорлар тўпланиб, улар давлатга садоқат билан хизмат қилган. Соҳибқироннинг адолат тамойиллари нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Бу ҳикояни узоқ Шимолда, шўро армиясида ҳарбий хизмат ўтаётган пайтимда украин миллатига мансуб йигитдан эшитгандим:

Хиёнаткор Тўхтамишхонни таъқиб этаётган Амир Темур кўшини Днепр атрофларидаги кенг даштлардан ўтиб, Львов шаҳрига яқинлашади. Ўша даврда бу шаҳарда Соҳибқироннинг кўшинига қарши тура оладиган куч бўлмаган. Ваҳима бошланади. Илғор қисмлар шаҳарга кириб келгач, боёнлар топган-тутганини пешкаш қилиб, жаҳонгирдан шафқат сўрашади. У пайтлар Львов кичик шаҳар бўлиб, ёғоч уйлар (украинча хаталар)нинг томига похол бостирилган экан. Уйларнинг бўғотида каптар кўп эди (ҳозир ҳам у шаҳарда каптар мўл).

Таажжубки, ўша давр одатига кўра шаҳар аҳли тўлаши керак бўлган ўлпондан Соҳибқирон воз кечадди. Бунинг ўрнига, ҳар бир хонадондан атиги биттадан... каптар олишга амр этади. Бу ғалати талабни шу заҳоти бажо келтиришади.

Беҳисоб кўшин шаҳарга зиён етказмай, уч-тўрт кун давомида унинг ёнидан ўтади. Илғор қисмлар эллик-юз чақирим масофага узоқлашиб кетади. Ниҳоят, бир ҳафтадан сўнг кўшин охирида кўч-кўрон ортилган аравалар, чорва ҳамда хўжалик хизматчилари ўтаётганида, шаҳар аҳлининг фикри бузилади. “Бу саҳройи босқинчи бизнинг дружинамиздан кўрқди. Шу сабабли дурустроқ ўлпон сўрашга ҳам ботина олмади”, — деб, дадиллана бошлайдилар. Ҳатто кўшин ортидаги карвонга хужум қилиб, бир қанча хизматчиларни нобуд этадилар.

Бу нохуш хабар тезда Соҳибқиронга етиб боради.

Шундай ҳодиса содир бўлиши мумкинлигини Амир Темур олдиндан сезган эди. Аммо, кўшин шаҳардан жуда олислаб кетган, ношукрларни жазолаш учун ортга қайтилса, яна бир ҳафта вақт кетади. Амир Темур шаҳар аҳли берган каптарларни ишга солади. От ёғи шимдирилган матодан узун-узун тасмалар қирқиб, каптарларнинг оёғига боғлашни, сўнгра тасмаларни ёқиб, каптарларни учиритишни буюради. От ёғи шимдирилган тасма секин ёнар, аммо шамолда ўчмас экан. Ҳар бир каптар ўз маконига, яъни похол томларга бориб қўнади. Шу заҳоти ёнгин чиқиб, тезда бутун шаҳар даҳшатли олов ичида қолади...





**Анвар ИБРАГИМОВ,**  
Тошкент шаҳар  
иқтисодий судлов  
хайъати судьяси

## “АДОЛАТ ҲАР БИР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!”

**“Адолат” тушунчасининг ўзаги “адл” сўзидан олинган бўлиб, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилиқ маъноларини англатади. Инсон бутун ҳаёти давомида, қилаётган ҳар ишида адолатли бўлса, кишилар орасида ҳалол ва пок, гўзал фазилатларга эга инсон сифатида юксак эҳтиромга сазовор бўлади. Шунинг учун халқимиз тафаккуридаги энг ардоқли тушунчалардан бири – АДОЛАТ деб қаралган.**

Ҳанузгача бутун дунё олимлари ва тарихчилари томонидан жуда катта ҳайрат ва қизиқиш билан ўрганилиб келинаётган, салтанатини фақат адолат тамойиллари асосида бошқарган буюк сиймо Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ўлмас номи ҳамиша адолат тушунчаси билан ёнма-ён туради. Бу бежиз эмас, албатта.

Сабаби, Ҳазрат Соҳибқирон ўзининг авлодларига қолдирган беназир мерос – “Темур тузуклари”да қуйидаги ўғитларини ёзади: “... ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урфодатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин деб адолат амирини тайинладим”, “Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузруклари билан ошна тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушларини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар (хабарчи-

лар) белгиладим”, “Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар”.

Ушбу ўғитларидан яққол кўриниб турибдики, марказлашган салтанати пойдевори адолат устига қурилган бўлиб, сиёсий тамойиллари марказида инсон ва унинг қадрини ҳимоя қилиш муҳим вазифа сифатида турган. Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўзи вужудга келтирган қудратли салтанатини бошқаришда ҳал қилувчи ўринни эгаллаган.

Мана шундай тарихий анъананинг мантикий давоми сифатида Янги Ўзбекистонда ҳам қонун устуворлигини таъминлаш орқали инсон қадр-қимматини юксалтириш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб беришни Давлатимиз раҳбари янги жамиятнинг бош мақсади қилиб белгилади.

Президентимиз қонун устуворлигини амалда таъминлаш, адолатни қарор топтириш ҳақида фикр билдирганларида албатта судьяларнинг фаолиятини такомиллаштириш лозимлигига алоҳида аҳамият қаратади. Шу ўринда қуйидаги фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Адолат кўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.”

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш керак-ки, Давлатимиз раҳбари томонидан айtilган ҳақли бу фикр биз судьяларнинг зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифаларни кўяди. Бунинг учун кундалик ҳаётимизда ўқиб, уқиб боришимиз керак. Иш фаолиятида эса ким, қачон ва қай масалада судга мурожаат қилмасин, ҳар бир мурожаат бўйича бутун билими ва салоҳиятини ишга солиб, етти ўлчаб, бир кесиб суд ҳужжатларини қабул қилишимиз лозим. Зеро, адолат учун курашиш, ҳамиша адолат томонда туришга куч топа олиш, бизга буюк боболаримиздан бебаҳо меросдир!





# “ҚОЗИГА ЯХШИ ҲУНАР — ИЛМ ВА МУЛОЙИМЛИКДИР”


*Адолат, ҳақиқат, одиллик... баланд пардаларда куйланган қадим битикларимиз орасида қозилик (бузунги тил билан айтганда судьялик) касбига оид ҳаётий ўғитлар, бебаҳо пандлар алоҳида эътиборга молик. Ислом динига асосланган шарият илмида қозилик энг масъулиятли касблардан бири деб эътироф этилади. Хусусан, шарқ халқларининг донишмандлигини кўрсатиб турадиган машҳур “Қобуснома” асарида қуйидагича келтирилган:*



**Назокат БАЙЗАКОВА,**  
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

“Хукм мажлисида ҳайбатлиг ўлтурғил. Лекин турушрўй бўлмағил, савлатлиг бўлғил ва ҳар турли сўзни эшитмоқда ва хукм қилмоқда малул<sup>1</sup> бўлмағил ва сабр қилғил. Муфтиларга машварат қил. Ҳар вақт очиқ фикр била сўзлагил. Ҳеч вақтда мазҳаблар, масалалар дарсидин холи бўлмағил, тажриба ва тадбирни ҳам кўлдин бермағил-ки, булар қози ва қонунлар раъйига баробардур ва кўп хукмни шарият раъйидин қилиш қийин бўлур, қози эрса уни осон ҳал қилур. **Қози мужтахид<sup>2</sup>, доно ва порсо бўлмоғи лозим.** Аммо, у маълум вақтларда хукм қилмағай: очликда, ташналикда, ҳаммомдан чиқиб турғон пайтида, дилтанг бўлғонда.

Маълумки, қозининг иши хукм қилмоқдур, аммо имтиҳон қилмоқ эрмасдур. Сўзни қисқа қилиш зарур. Тезроқ гувоҳга ё онтга ўтсин. (Қози) даъвода мол кўплигини билса, қила олгунча тафтиш қилсун, шунда у хатога йўл қўймағай. (Қози) ўз ҳузурига одил котиблар қўйсин. У ҳаргиз ўз илки била қарз ҳужжатлари ясамасин ва ёрлиқ ёзмасин, ўзининг сўзин ва хатин қадрласин, азиз тутсин. Қозига яхши ҳунар — илм ва мулоимликдир”.



Бундан кўриниб турибди-ки, қози ҳар масалани адолатли ҳал қилиши учун ташқи кўриниши ва ички дунёси гўзал бўлиши, суд мажлисида айтилаётган ҳар қандай фикрни сабр ва эътибор билан эшита билиши, кўрилаётган ҳар бир масала юзасидан асосли фикрини ишончли тарзда,

<sup>1</sup> Малул — ғамгин, хафа;

<sup>2</sup> Мужтахид — тиришқок.

дадил баён қила олиши, бир сўз билан айтганда “доно ва порсо бўлмоғи лозим”.

Демак, боболаримиз судьяликка қадимдан шунчаки оддийгина бир касб сифатида эмас, балки юксак инсоний фазилатларга эга бўлган, тафаккури кенг, мушоҳадаси ўткир бир ИНСОН бўлмоғи лозим, деб қараган. Шунга кўра, судья ўзининг бошқаларга ҳам ибрат бўладиган чиройли одоб-ахлоқи билан ажралиб туриши керак. Энг муҳими, судья ҳар қандай жамиятнинг пойдевори ҳисобланадиган адолатни қарор топтиришда фуқаролар, давлат ва жамият олдидаги юксак масъулиятини қалб кўридан ҳис эта билиши шарт. Шундагина у судьялик қасамёдига доимо содиқ қолади ёки муқаддас қасамёдини бузиб қўйишдан тийилади. Кимки нафс балосига гирифтор бўлса, унга бошқа душманнинг кераги ҳам йўқ, чунки, бу бало уни ўз домига тортиб, ҳалок этиши муқаррар. Мўътабар манбаларда келтирилишича: “Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир”.

Судья суд жараёнида кўрилаётган низолар юзасидан фақат ва фақат қонунга асосланган ҳолда, қонун меъёрларини тўғри қўллаган тарзда ҳеч қандай ҳиссиётларга берилмасдан, беғараз ва холисона қарор чиқариши лозим. Инсон ёки жамиятнинг тақдирига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган суд ҳужжатлари қабул қилинишида у инкор этиб бўлмайдиган далилларга асосланиши мақсадга мувофиқ. Бор касбий билим ва кўникмаларини, тажрибасини ишга солиши талаб этилади. Акс ҳолда, судья юксак мақомига доғ тушириши мумкин. Судьялик вазифасини виждонан, қасамёдга содиқ туриб, касбий маҳоратни тўла намоён этиб ва суд маданиятига қатъий риоя этган ҳолда бажариши унга янада юксак мартаба олиб келади.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим!” Зеро, қонунлар ва адолатнинг устунлари бўлиш, судьялардан жуда катта масъулият, билим ва тафаккурни талаб этади.



**Алишер АЯПОВ,**  
Қўнвирот туман-  
лараро иқтисодий  
суди раиси

## “... УЛ КУННИНГ ОТИН НАВРЎЗ ҚЎЙДИ”

*Наврўз – янги кун, янги йилнинг биринчи кун. Азал-азалдан наврўз холис, пок ниятли кишиларнинг гўзал айёми сифатида кенг нишонланиб келинган. Дарҳақиқат, Наврўзи оламнинг пайдо бўлишида ҳам жуда чуқур, илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари бор. Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, тун ва куннинг тенглашуви, кундузнинг узайиб бориши, табиатда жонланнишнинг бошланиши билан боғлиқ бўлган сирли ҳолатлар шулар жумласидан. Календарь бўйича йилнинг бошланиши қачон келишидан қатъи назар наврўзни уйғониш байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Наврўзнинг мана шундай чуқур илмий асослари борлиги жуда қадимийлигидан дарак беради.*

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг дунёга машҳур асарларидан бири – “Тарихи мулуки Ажам” (Ажам шоҳлари тарихи)да қайд этилишича подшо Жамшид “... тахт устига ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин наврўз қўйди”.

Демак, халқимиз онгида қадимдан Наврўз адолат ва эзгулик тимсоли деб ҳам қаралган. Адолат ва эзгулик барча инсоний фазилатларнинг яхшироғи ҳисобланиб, унинг натижасида мамлакат маъмур, қишлоғу шаҳарлар обод, фуқаролар боқий мулк ва кенг хазинага эга бўлганлар. Тарихий манбаларда келтирилишича адолатнинг асосий моҳиятини халқнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлаш масаласи ташкил этади. Қадимий битикларда баён қилинишича, “Адл шундай зийнатдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир қуёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади.”

Янги Ўзбекистонга яна Наврўз келди. Ўзи билан биргаликда юртимизга файзу-барака олиб келди. Худудларимизда кўплаб янги, замонавий завод ва корхоналар, транспорт, йўл ва коммуникация тармоқлари, инсонларга муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш учун кенг-шинам турар-жойлар, янги маърифат ва маданият масканлари, тиббиёт ва спорт иншоотлари кутлуғ байрам арафасида фойдаланишга топширилди. Янги жамиятнинг амалда инсонпарварлик сиёсатини кўрсатиб турадиган “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурларида белгиланган вазифалар ижроси таъминланиб, мамлакатимизнинг узоқ қишлоқлари янги қиёфа касб этиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда бутун мамлакат бўйлаб бунёдкорлик руҳи кезиб юрибди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқида таъкидланганидек, “дунёда турли байрамлар, кутлуғ саналар кўп. Лекин инсон қадри ва шаънини улуғлашда Наврўз айёми алоҳида ўрин тутади, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Наврўзи олам бизни табиат фарзанди бўлиб, Ватан тупроғини, она заминдаги ҳар бир гиёҳни кўзимизга тўтиё қилиб яшашга ўргатади. Наврўз ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради.”

Бу йил ушбу бектакрор айём арафасида халқимизга хос кечиримлилик, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибатли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида Президентимиз томонидан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармон имзоланди.

Унга мувофиқ, Конституциянинг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 75 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 4 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 53 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 2 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 16 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 18 нафарини чет эл фуқаролари, 17 нафарини аёллар, 15 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини ногиронлар ҳамда 9 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Юқорида келтириб ўтилган рақамлар шунчаки миқдорни белгилайдиган сонлар эмас, балки шунча инсон тақдирини демакдир. Ҳаётнинг шундай бир мураккабликлар бор-ки, кимдир билиб-билмай жиноят қилиб қўяди. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кенг амалиётга киритилаётган авф институти ўзининг қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган, афсусланган ва буни тушуниб этиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган қанчадан-қанча тақдирларнинг қисматини ижобий томонга ўзгартириб юбораётгани ҳам бор гап.

Бу ҳам халқимизга хос бўлган адолат ва эзгулик намунасидир.

# КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада иштирокчининг жамият аъзолари сафидан чиқиши тартиби ва ушбу ҳолатни расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар ёритилади. Иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан ихтиёрий тартибда чиқишдаги мавжуд муаммолар амалий мисоллар билан таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади.

**Калит сўзлар:** корпоратив муносабат, масъулияти чекланган жамият, улуш, иштирокчи, иштирокчилар сафидан чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш.

**Тадбиркорлик таваккалчikka асосланганлиги боис биргаликда фаолият жараёнида қутилмаган муаммоларнинг юзага келиши, бизнес соҳасида ҳамкорлар дунёқарашининг ҳар хиллиги, мулккий йўқотишлар каби бир қатор табиий ҳолатлар мавжудки, улар ўзаро ишонч, ҳурмат ва муносабатга таъсирини ўтказмасдан иложи йўқ. Бу ўз навбатида, биргаликдаги ҳамкорликнинг тарқалиб кетишига, айрим ҳолларда эса катта миқдорда зарарлар келтириб чиқаришига ҳатто жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Чунки, аксарият ҳамкорлар бизнес бошлаганда унинг жадал ўсиши ва ривожланиши, катта даромад, янги бозорларга чиқиш ва бошқа эзгу нарсалар ҳақида орзу қилади. Ҳамкорлар томонидан "танганинг иккинчи томони" пухта келишиб олинмаганлиги аянчи ҳолатларни келтириб чиқаради.**

Кўплаб тадбиркорлар шерикчилик муносабатларидаги ҳамкорликни саводли тарзда расмийлаштириш орқали олдини олиши мумкин. Амалдаги қонунчиликда бизнесдаги биргаликда олиб бориладиган фаолиятни тартибга солувчи келишув таъсис шартномаси деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (матнда ФК деб юритилади)нинг 43-моддасига кўра, таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос профессор Д.Степановга кўра, корпоратив муносабатлар шартномавий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, бундай муносабатларга шартнома эркинлиги тамойили қўлланилади. Иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиши (корпоратив муносабат) мажбурият ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинишини таъкидлайди<sup>2</sup>. А.Кузнецов ҳам корпоратив муносабатларни мажбурият ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида

тавсифлаб, лекин иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиши муносабатларни иштирокчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситасида деб таъкидлайди<sup>3</sup>. Ҳар иккала олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, иштирокчиларнинг жамият иштирокчилари сафидан ихтиёрий тартибда чиқишини иштирокчининг корпоратив ҳуқуқларини амалга оширишининг бир кўриниши деб ҳисоблаймиз.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (матнда Қонун деб юритилади)нинг 8-моддасида жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш ҳуқуқи кафолатланган. Яъни иштирокчи келгусида бошқа иштирокчилар билан ишлаш фикридан қайтса ёхуд у ёки бу сабаб билан жамиятни мулкдор сифатида бошқаришдан воз кечса, исталган вақтда жамиятдан чиқиб кетиши мумкин.

Аммо, шуни инобатга олиш керак-ки жамиятнинг ягона иштирокчиси ушбу ҳуқуқдан фойдалана олмайди. Чунки, амалда иштирокчисиз жамият бўлиши мумкин эмас. Бу борада "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги Россия Федерал қонунининг 26-моддаси иккинчи қисмида жамият иштирокчиларининг сафдан чиқиб кетиши оқибатида бирорта ҳам иштирокчининг қолмаслиги ҳамда ягона иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқишига йўл қўйилмаслиги аниқ белгиланган. Ягона иштирокчи ўз мақсадидан келиб чиқиб, жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиб, жамият тугатилганидан кейин мол-мулкни олиши ёки жамиятдаги улушини сотиши ёхуд бошқача тарзда бегоналаштириши орқали жамиятдан чиқиб кетиши мумкин.

Миллий қонунчилигимизда иштирокчининг жамиятдан чиқиш тўғрисидаги хоҳиш иродаси қандай тартибда ва шаклда амалга оширилиши аниқ белгиланмаган. Амалиётда бу ҳолат иштирокчининг берган аризасида ифодаланган бўлади. Аммо, аксарият ҳолларда иштирокчининг жамиятдан чиқиш тўғрисидаги хоҳиши мазмуни аризада аниқ ифодаланмаганлиги, яъни иштирокчини жамиятдан чиқиши муносабати билан улушининг ҳақиқий қийматини тўлаш ҳақидаги талаби биргаликда берилиши туфайли иштирокчи жамиятдан қайси пайтдан бошлаб чиқиб кетганлигини аниқлашда ва унинг оқибати бўйича ҳужжатларни расмий-



**Мақсудбек САИДОВ,**

Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, ТДЮУ магистри



латиришда бир қатор муаммолар юзага келади. Айнан шу сабаб даъвогарлар ўзини иштирокчилар сафидан чиқариш, иштирокчилар сафидан чиқиб кетган деб топиш, иштирокчилар сафидан чиққан деб ҳисоблаб, улуш қийматини тўлаш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги асоссиз даъвогар билан судга мурожаат қилишади. Олий ҳужалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида 262-сонли қарорининг 21-бандида иштирокчи томонидан жамиятга нисбатан берилган ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад қилиниши тўғрисида тушунтириш берилган бўлса-да, суд амалиётида бундай даъвогарнинг қаноатлантирилганлиги ҳолатларини кузатиш мумкин.

“Сарбон савдо хизмати” масъулияти чекланган жамияти (матнда МЧЖ деб юритилади) иштирокчилари ўртасида вужудга келган низоли вазият бунга яққол мисол бўлади. 2002 йил 5 ноябрда фуқаролар Н.Қ., Э.К. ва И.К. ўртасида жамиятни ташкил этиш тўғрисида таъсис шартномаси тузилиб, 15 ноябрда қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖ устав фондида Н.Қ. 25 фоиз ёки 10 050 000 сўм, Э.К. 25 фоиз ёки 10 050 000 сўм ва И.К. 50 фоиз ёки 20 100 000 сўм улушга эга бўлган.

Иштирокчи Н.Қ. қолган иштирокчилар Н.Қ., Э.К. томонидан бир неча бор умумий йиғилиш қақиртирилиб, фойдани тақсимлаш масаласи кўриб чиқилган бўлса-да, у йиғилиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаганлигини ва бу билан унинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганлигини билдириб, МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзини МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни ва МЧЖ устав фондида қўшилган 20 100 000 сўм улушини қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Қонунда иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиши назарда тутилмаган. Иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги аризаси муайян ҳуқуқий оқибатлар туғдириши сабабли уни бир томонлама ўзгартиртириш имконияти ҳам мавжуд эмас. Аммо, иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш тўғрисидаги аризасини қайтариш тўғрисидаги илтимосномаси жамият томонидан рад этилса, иштирокчи ушбу ариза алдаш, зўрлик, кўрқитиш таъсирида ёзилганлиги, ариза ёзилганда ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаганлиги ёки ариза қалбакилиги, яъни аризадаги имзо ўзига тегишли эмаслиги ҳолатлари

бўйича суд тартибида низолашиши мумкин. С.А.га кўра, жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тўғрисидаги аризаси юридик факт сифатида бир тарафлама битим ҳисобланади<sup>5</sup>. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бир усули сифатида битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш белгиланганлиги ва ушбу жараён суд томонидан кўриб чиқилишини инобатга олган ҳолда, бундай аризани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, бу талаб мазмунан кўриб чиқилиши лозим. Аммо, суд амалиёти таҳлили бу борада муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Тошкент шаҳар ҳужалик судида даъвогар Г.В.нинг жавобгарлар “COMPETITION TRADE” МЧЖ, “Chinor Grand” МЧЖ ва “GLOBAL FUTURES” МЧЖга нисбатан Г.В.нинг жамиятдан чиқиш ва ундаги улушдан ўзганинг фойдасига воз кечиш ҳақидаги аризасини, 2011 йил 26 декабрдаги ва 2012 йил 3 январдаги топшириш қабул қилиш далолатномасини, 2012 йил 27 августдаги ва 2013 йил 14 майдаги 1-сонли олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишни ва унинг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъвосига асосан қўзғатилган иш якуни бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бунга мисол бўла олади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, “ROSSINI” МЧЖ, фуқаролар Б.У. ҳамда Г.В. “COMPETITION TRADE” МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) таъсис этилиб, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган.

Жамиятнинг устав фондида “ROSSINI” МЧЖ 10 000 000 сўм ёки 16,6 фоиз, Б.У. 2 000 000 сўм ёки 3,3 фоиз, Г. В. 48 395 808 сўм ёки 80,1 фоиз улушга эга бўлган. Г.В.нинг устав фондидаги улуши Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 32-уйда жойлашган 8-сонли савдо дўконларини мулк сифатида қўйиш орқали шакллантирилган.

Жамият иштирокчиси Г.В. Юнусобод туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, у МЧЖ устав фондидаги улушдан А.А. фойдасига воз кечишини ва ўзи эса жамиятдан чиқишини маълум қилган. Мазкур ариза 2011 йил 26 декабрда Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган.

Иштирокчиларнинг 2012 йил 3 январдаги умумий йиғилиши қарори билан Г.В.нинг 2011 йил 26 декабрдаги аризасига асосан МЧЖга унинг ўрнига А.А. иштирокчи сифатида киритилган. Шунингдек, 2011 йил 26 декабрдаги ва 2012 йил 3 январдаги топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан МЧЖ иштирокчиси Г.В. ўзининг жамият устав фондидаги улушларини А.А.га топширган.

2012 йил 27 августда МЧЖ ва “GLOBAL FUTURES” МЧЖ ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган. Унга кўра, МЧЖ Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 32-уйда жойлашган 8-сонли савдо дўконларини “GLOBAL FUTURES” МЧЖга 50 000 000 сўмга сотган.

Кейинчалик, “GLOBAL FUTURES” МЧЖ ва “Chinor Grand” МЧЖ ўртасида тузилган 2013 йил 14 майдаги 1-сонли олди-сотди шартномасига асосан мазкур мол-мулклар “Chinor Grand” МЧЖга сотилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабининг 2011 йил 26 декабрдаги ва 2012 йил 3 январдаги топшириш қабул қилиш далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиш қисми бўйича иш юритиш тугатил-

ган. Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанция судининг қарори билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, даъво талабининг Г.В.нинг жамиятдан чиқиш ва ундаги улушидан ўзганинг фойдасига воз кечиш ҳақидаги аризасини ҳақиқий эмас деб топиш қисми бўйича иш юриштишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ, кассация инстанция суди даъво талабининг даъвогарнинг жамиятдан чиқиш ва устав фондидаги улушидан ўзганинг фойдасига воз кечиш ҳақидаги аризасини ҳақиқий эмас деб топиш қисми судга тааллуқли эмас деб нотўғри хулосага келган. Даъвогарнинг жамиятдан чиқиш ва устав фондидаги улушидан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги аризаси бир тарафлама битим эканлигини ҳамда корпоратив муносабатда юзага келган низо сифатида мазмунан кўриб чиқиши лозим эди.

Иштирокчининг жамиятдан чиқиб кетиши учун унинг бу ҳақидаги аризаси етарли ҳисобланади. Агар жамиятнинг ижро этувчи органи иштирокчининг аризасига асосан жамият иштирокчиларининг йиғилишини чақирмаса, чиқиб кетаётган иштирокчи жамият ижро этувчи органи зиммасига жамият иштирокчиларининг йиғилишини чақириш вазифасини юклаш тўғрисидаги талаб билан эмас (суд амалиётида бундай даъволар асосида кўрилган ишлар мавжуд), балки жамиятдан ўзининг улушини ҳақиқий қийматини тўлаб бериш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиши таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритишни тақозо этади. Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар эса жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан киритилади ва улар қонунчиликда назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Айнан шу пайтдан бошлаб, жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар учинчи шахслар учун кучга киради, яъни оммавий характер касб этади.

Амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонунчиликда иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш тартибини қатъий белгилаш лозим.

Масалан, Россия Федератив Республикаси қонунчилигида кўра жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиши тўғрисидаги аризаси битимларни тасдиқлаш учун нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ нотариал тасдиқланиши керак. Аризанинг шакли ва мазмунига кўйилган талаблар эса қонунчиликда белгилаб берилган. Ариза жамият ижро органи раҳбари номига ёзилса-да, нотариусга тақдим этилади. Жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тўғрисидаги аризасини тасдиқлаган нотариус икки иш кунини ичида тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун электрон ҳужжат шаклда электрон рақамли имзо билан рўйхатга ўтказувчи органга аризани юборади. Жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тўғрисидаги аризасини тасдиқлаган нотариус аризани юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмасдан иштирокчининг жамиятдан чиқиш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқлан-

ган аризасини юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида кўрсатилган жамият манзилига ва (ёки) агар мавжуд бўлса жамиятнинг электрон почтасига юборади.

Украина Республикаси қонунчилигида иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан ихтиёрий тартибда чиқиши унинг жамият устав фондидаги улушига боғлиқ қилиб қўйилган. Агар чиқиш истагида бўлган иштирокчининг улуши жамият устав капиталининг 50 фоизидан кам бўлса, бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз хоҳлаган вақтда жамият иштирокчилари сафидан чиқиб кетиши мумкин. Бунинг учун иштирокчи нотариусга ёки тегишли ҳудуддаги маъмурий хизматларни кўрсатиш марказларига нотариал тарзда гувоҳлан-тирилган жамият иштирокчилари сафидан чиқиш тўғрисидаги ариза, маъмурий тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи квитанция ҳамда юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 2-шакл бўйича тўлдирилган аризани тақдим этиши кифоя. Ушбу фактнинг юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида иштирокчининг жамиятдан чиқиб кетган санаси деб қаралади. Иштирокчининг улуши жамият устав капиталининг 50 фоизидан ортиқ бўлганда, бошқа иштирокчиларнинг розилигини олиш талаб қилинади. Бунда чиқиб кетиш истагида бўлган иштирокчи қолган иштирокчиларга чиқиб кетишга рухсат бериш тўғрисида тасдиқланган шаклга эга бўлган нотариал тартибда гувоҳлан-тирилган ариза билан мурожаат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоиз-ки, корпоратив муносабатлардаги иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш борасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш воситаси бўлган ариза (бир томонлама битим)га нисбатан қонунчиликда муайян тартиб-таомиллар жорий этилиши лозим. Чунки, ушбу юридик факт (улушга нисбатан ҳуқуқнинг ўтиши) иштирокчига нисбатан корпоратив муносабатларнинг тугаш нуқтаси ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб иштирокчида улушга нисбатан ҳуқуқ тугатилиб, улушга нисбатан ҳуқуқ жамиятга ўтади ва жамиятда улуш ҳақини тўлаш мажбурияти вужудга келади. Қонунчиликда иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш тартибини давлат хизматлари маркази ёки нотариусларга ариза бериш орқали расмийлаштирилишининг белгиланиши корпоратив муносабатлардаги қонун нормаларини такомиллаштирилишига, амалиётдаги айрим муаммоларни бартараф этишга ва судларда кўрилаётган бу туркумдаги низоларни олдини олишга хизмат қилади. Зеро, давлат ўзининг бошқарув соҳасидаги ваколатлари билан регулятив функциялари орқали ушбу соҳани тартибга олиши, мулк ҳуқуқининг давлат ҳимоясида эканлиги тамойилининг намунаси сифатида ижобий натижаларни беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фуқаролик кодекси <https://lex.uz/docs/111189>;
2. Степанов Д. И. Сделка учредителей и присоединение к ней последующих участников // Вестник ВАС РФ. 2010. № 3; Выступление на круглом столе «Диспозитивность норм корпоративного законодательства и пределы свободы договора в корпоративном праве» 4 апреля 2018 г. URL: <https://www.youtube.com/watch?v=mO6Sn7ip6Qk&t=1184s>;
3. Кузнецов А. А. Выход участника из хозяйственного общества как способ защиты прав и законных интересов. С. 31—63;
4. Алексеев С. С. Односторонние сделки в механизме гражданско-правового регулирования // Антология уральской цивилистики, 1925—1989: сб. ст. М., 2001. С.54—68;



**Отабек НАРЗИЕВ,**  
Тошкент давлат  
юрдик университети  
“Халқаро хусусий  
ҳуқуқ” кафедраси  
ўқитувчиси

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАЛАР

### АННОТАЦИЯ:

мақолада бугунги кунда жаҳон капитал бозорида тобора фаол қўлланилиб келинаётган сунъий интеллект, рақамли активлар, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу воситаларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш жараёнида иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик доираси каби масалалар инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш ҳамда иқтисодий тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган ва ушбу масалаларнинг тегишли ҳуқуқий асосларини яратишнинг зарурлиги қайд этилган.

**Калит сўзлар:** сунъий интеллект, капитал бозори, рақамли актив, робот-маслаҳатчи.

**Дунёда ахборот технологиялари ривожланаётган ва тўрттинчи sanoat инқилоби борасидаги масалалар кун тартибидан тушмаётган бугунги кунда рақамли технологиялар ва хусусан, сунъий интеллектнинг молия институтлари анъанавий иш моделларига таъсирини ўрганиш, бу борада минимал бўлса-да муайян ҳуқуқий майдонни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.**

Капитал бозорида маълумотларни таҳлил қилиш имкониятлари сунъий интеллект ва машинавий ўрганиш (machine learning) билан биргаликда ушбу соҳаларда янги имкониятлар очиши мумкин. Аммо кўпгина ташкилотлар ҳанузгача ўтмишдаги маълумотлар стратегияларидан фойдаланмоқда, бу эса маълумотларнинг тўлиқ салоҳиятидан фойдаланиш ва тўғри бизнес қарорларини қабул қилиш қобилиятини чеклайди. Бизнес натижаларини аниқ башорат қилиш имкони бўлмаса-да, маркетмейкерлар номаълум нарсаларни башорат қилиш, тахминларга асосланишдан кўра сунъий интеллект ёрдамида қарорлар қабул қилишга таянади.

Бугунги кунда капитал бозоридаги кўплаб компаниялар ахборот технологияларининг афзалликларини тан олишиб замонавий технология провайдерлари билан ҳамкорлик қилиш бу имтиёзларни амалга оширишнинг калити эканлигини англаб етмоқдалар. Аммо машинавий ўрганишни кенг миқёсда жорий қилмоқчи бўлган фирмалар учун ҳали ҳам қийинчиликлар мавжуд. Қуйида биз капитал бозорлари фирмаларига сунъий интеллект ва машинавий ўрганиш стратегияларини қабул қилиш ва ундан фойда олишда ёрдам берадиган воситалар ва энг яхши амалиётлар билан бир қаторда ушбу қийинчиликларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Бу борадаги сўнги тадқиқотлардан ҳисобланган Делойт ва Жаҳон Иқтисодий Форумининг «Молиявий хизматлар келажаги» туркумидаги охириги ҳисоботида сунъий интеллектдан молиявий хизматларнинг сифатини оширишда фойдаланиш имкониятлари

нисбатан батафсил ўрганилган. Унга кўра, сунъий интеллектнинг капитал бозоридаги таъсирини қуйидаги тўртта йўналишга бўлиб ўрганиш таклиф этилади:

► **Сунъий интеллект капитал бозорларида молиявий ресурсларга эришишни янада эркинлаштириши, бунинг натижасида юқори самардорлик, хавфсизлик ва капитал бозори айланмасининг ортишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда қуйидаги потенциал стратегияларни назарда тутиш мумкин:**

- шартнома тузиш жараёнини соддалаштириш;
- тадқиқотнинг илғор усулларини жорий этиш орқали капитал бозорида инвестиция самардорлигини ошириш. Масалан, ноанъанавий ёки тузилмаган маълумотлар тўпламига асосланган битим истиқболларини аниқлаш учун машинавий ўрганишдан (machine learning) фойдаланиш;

- илғор капитал ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича ечимларни қўллаш. Масалан, стресс-тест натижаларидаги аномалияларни аниқлаш ва ҳисобот бериш учун машина ўрганишидан (machine learning) фойдаланиш.

► **Сунъий интеллект маъмурий вазифаларни одамларга қараганда тезроқ ва яхшироқ бажариши мумкин, бу эса одамларга юқори қийматли фаолиятга эътибор қаратиш имконини беради. Бунда айниқса қуйидагилар амалга оширилиши мумкин:**

- ҳужжатларни тайёрлашнинг янги воситалари ва электрон платформалар орқали асосий хизматларни кенг миқёсда автоматлаштириш;

- рақамлаштирилган маълумот алмашиш очик ва автоматлаштирилган виртуал маълумотлар, онлайн ҳисоботлар, ҳуқуқий ҳужжатлар каби контентни осонгина бўлишига имкон беради;

- автоматлаштирилган инвестор ҳисоботлари ҳужжатларини тан олишдан фойдаланган ҳолда молиявий маълумотларни тўплаш, нормаллаштириш ва таҳлил қилиш орқали баҳолаш жараёнини яхшигина соддалаштириш;

– овозли ёрдамчилар мижозларга 24/7/365 режимида хизматни таклиф этиш орқали капитал бозорига инвестиция қилишга оид аниқ саволлар бериш ва мослаштирилган жавобларни олиш имконини беради.

► **Сунъий интеллект анъанавий тадқиқот усуллари орқали аниқлаб бўлмайдиган ҳолатларни кузатиш орқали истиқболли инвестиция имкониятларини топишга ёрдам беради. Бундай имкониятларга қуйидагилар киради:**

– битимлар, йиғилган умумий пул, таъсисчилар гуруҳи ва бошқаларга оид тизимлаштирилмаган маълумотларни машина ўрганишидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда улардан келажакда тизимли фойдаланиш имкониятини яратиш;

– машина ўрганиши ёрдамида таҳлил қилиш тезлигининг ошиши бозор иштирокчиларига корреляция (тушунчалар, нарсалар, функциялар орасидаги ўзаро боғлиқликни, ўзаро мосликни, муносабатни билдирувчи тушунча)ларни автоматлаштирилган тарзда синаб кўриш имконияти бор;

– машинавий ўрганишидан фойдаланган ҳолда битимлар истиқболлари ва «инвестиция қилиш эҳтимоли юқори бўлган шериклар» синтези савдо самарадорлигини ошириши мумкин;

– инвестицион банкларнинг мулкий маълумотларидан турли инвесторларнинг қарашлари ва афзал кўрган имкониятларини тушуниш учун фойдаланса бўлади;

– алгоритмик мослаштириш тизимлари инвесторлар эътиборга оладиган энг муҳим омилларни аниқлаш ва асосий фикрларни синтез қилиш орқали савдо китобларини яратишни қўллаб-қувватлаши мумкин, бу эса битим истиқболлари ва битим имкониятларини яхшироқ аниқлаш ва мослаштириш қулайлигини тақдим қилади.

► **Сунъий интеллект савдодан олдинги таваккалчиликларни таҳлил қилиш, турли хил савдо сценарийларининг умумий портфель позицияларига таъсирини ва рентабеллик ҳисоб-китобларида риск капитали қийматининг омилини аниқлаши мумкин.**

– узлуксиз хавф моделлаштириш институтларига хавф моделларини автоматлаштириш, реал вақтда таъсир қилишдаги ўзгаришларни тушуниш ва капитал даражасини қайта баҳолаш имконини беради;

– машинавий ўрганиш алгоритмлари билан муқобил маълумотлар тўпламини текшириш хавф моделларининг қамровини шунингдек, умуман тизимга киритилган маълумотлар сифатини яхшилашга ёрдам беради;

– машинавий ўрганиш орқали бошланғич биржа талабларига таъсир қилувчи янги таваккалчилик параметрларини таҳлил қилиш (масалан, савдо жуфтликларини ўзгартириш, битта дилерда стратегияларни ўзгартириш ва бир дилердан бошқасига савдоларда инновацияларни қўллаш каби).

**Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан сунъий интеллект йўналишидаги технологияларнинг ривожланиши бўйича илк бор 2019 йилда илмий-таҳлилий маълумотлар нашр этилди ва унда сунъий интеллектни ривожлантириш уч тоифага бўлган ҳолда таҳлил этилди:**

биринчи тоифа сунъий интеллект инструментлари бўйича, яъни машинавий ўрганиш (Machine learning), логикавий дастурлаш (Logic programming) ва бошқалар. Сунъий интеллектнинг инқилобий ривожланишида машинавий ўрганиш техникаси таркибида чуқур ўрганиш (Deep learning) ва нейротармоқ (Neural network)ларнинг ўрни катта;

иккинчи тоифа сунъий интеллектнинг функционал қўлланилиши бўлиб, у ўз таркибига робот техникаси (robotics), табиий тилни қайта ишлаш (Natural language processing), башоратли таҳлил (Predictive analytics), компьютер кўришини (Computer vision) қамраб олади. Компьютер ёрдамида кўриш функционал қўлланилиши сунъий интеллект йўналишидаги барча тегишли патентларнинг 49 фоизини ташкил этади;

учинчи тоифа сунъий интеллектнинг иқтисодий тармоқларида қўлланилиши бўлиб, унда жами патентлар сонининг 15 фоизини ташкил этган телекоммуникация соҳаси етакчилик қилмоқда. Шунингдек, 12 фоизи тиббиёт ва табиий фанлар соҳаларидаги тармоқларга тўғри келади. Рўйхат банк тизими, саноат, қишлоқ хўжалиги ва шаҳарсозлик соҳалари билан яқунланади.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида ҳам молия бозори орасида банк соҳасида сунъий интеллектни қўллаш бўйича алоҳида вазифалар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, Марказий банк ва айрим тижорат банкларига тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистонда капитал бозорининг кўлами кичиклигидан бўлса керак Стратегияда ушбу бозорда сунъий интеллектдан фойдаланиш масаласи алоҳида акс эттирилмаган. Фикримизча, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида банк соҳасида қўлланилиши назарда тутилган сунъий интеллектлардан капитал бозорида ҳам фойдаланишнинг тегишли ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, унда ушбу дастурий воситаларнинг ҳуқуқий мақоми, уни қўлловчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг жавобгарлиги, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахсий маълумотларнинг дахлсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилиши мақсадга мувофиқ саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/uk/Documents/financial-services/deloitte-uk-artificial-intelligence-capital-markets-sector-summary-card.pdf>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.02.2021 йилдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.



**Толиб ОБИДОВ,**  
жиноят ишлари  
бўйича Шайхон-  
тохур туман  
судининг раиси

## ҚОНУНЛАРНИ ҚўЛЛАШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН НОАНИҚЛИКЛАР: МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУНОСАБАТ

*Жиноят процессуал кодексда ҳукм қандай талабларга жавоб берса, қонуний, асосли ва адолатли деб эътироф этилиши тўғрисида таъриф берилган. ЖПКнинг 455-моддаси 2-хатбошисидан ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади, деб кўрсатилган.*

Бироқ, амалдаги қонунларимизда баъзи бир ноаниқликлар, қарама-қарши меъёрлар бор-ки, судьялар томонидан ушбу қонун меъёрларини қўллашда турли хил ёндошув кўзга ташланмоқда.

ЖПК 468-моддасининг 1-қисмига кўра, айблов ҳукмининг қарор қисмида ёритилиши лозим бўлган талабларнинг кетма-кетлиги кўрсатилган. Айблов ҳукми қарор қисмининг 1-қисми 4-бандига кўра, “судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри, Жиноят кодексининг моддаларига мувофиқ узил-кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси ва озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазо муддатини ўташи лозим бўлган тегишли тартибли колония тури” кўрсатилиши лозим.

Қонуннинг айнан шу талабини бажаришда амалиётда турли хил ёндошувлар бор-ки, уни бартараф этиш ва шу йўл билан қонунчиликка аниқлик киритиш лозим бўлади.

Жумладан, ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “в” бандида “илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда” ўташ белгиланган.

Амалдаги қонунларимизда айнан юқорида кўрсатилган қонун нормасининг “в” бандини қўллашда яъни, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, ёки ўтаётган чоғида қасддан янги содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан колония турини танлашда ноаниқликлар мавжуд бўлиб, бу амалиётда турли хил ёндошувларни келтириб чиқармоқда.

Бунинг биринчи сабаби “озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркаклар” деб кўрсатилган талаб бир қарашда тушунарли бўлиб кўринади. Тўғри муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан, ёки ўтаётган вақтда қасддан янги жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган эркакларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган. ЖКнинг 59-моддаси тартибида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинланганда ҳам бу муаммо юзага келмайди.

Бироқ, ЖКнинг 60-моддаси тартибида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда қонундаги ноаниқлик кўриниб қолади.

Кўтарилаётган мавзу тушунарли бўлиши учун амалиётдан бир мисолни келтирмоқчиман.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2017 йил 16 ноябрдаги ҳукмига кўра Ф.И. ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а, в” бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган. Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2019 йил 7 январдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддаси тартибида маҳкумининг ўталмаган ушбу озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Кейинчалик маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлагани учун ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 3 йил 3 ой 20 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2021 йил 5 мартдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 3 ой 5 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

ЖКнинг 73-моддаси 5-қисмига биноан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Юқорида келтирилган мисол бўйича маҳкум шартли муддат даврида қасддан фирибгарлик жиноятини содир этиб, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 3 февралдаги ҳукми билан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми бўйича айбли деб топилган ва 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган.

ЖКнинг 60 ва 61-моддалари тартибида маҳкумга 2 йил 5 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва уни қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланган.

Бошқа бир ҳолатда маҳкум А.Б. жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2013 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган. Маҳкум жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2016 йил 3 августдаги ажрими билан ўталмаган 1 йил 11 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ЖКнинг 73-моддаси тартиби-



да муддатидан илгари шартли озод қилинган. Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2017 йил 2 августдаги ҳукмига кўра, маҳкум А.Б. ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилиниб, ЖКнинг 60, 61 моддалари тартибида унга 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Кўриниб турибдики айрим судлар ҳукм қилинган шахс деб айнан маҳкум айбли деб топилган модда бўйича тайинлаган жазодан келиб чиқиб ва бу шахс ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган деб ҳисоблаб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида умумий тартибли колонияда жазо ўташини белгиланган.

Бошқа бир амалиётда шахсни ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс деб ҳисоблаб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланмоқда.

ЖКнинг 54-моддаси 1-қисмига мувофиқ, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

ЖКнинг умумий қисмидаги 60-моддаси 1-қисмига кўра, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 54-бандига кўра, жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидалари биринчи ҳукм эълон қилинганидан сўнг, лекин ўша ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталганга қадар маҳкум томонидан янги жиноятни содир этилган ҳолларда қўлланилади.

Яъни, шахс кейинги ҳукм бўйича узил-кесил тайинланган жазога ҳукм қилинган ҳисобланади ва шу жазо бўйича унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, шундан келиб чиқиб, жазо муддатини ўталиши керак бўлган колония тури белгиланади.

ЖПКнинг 468-моддаси 1-қисми 4-бандида ҳам айнан шу тартиб белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташда колония турини аниқлаш юзасидан бир қанча нормалар белгиланган.

Жумладан, ушбу кодекснинг 118-моддаси 1-қисмининг бешинчи хатбошида “қаттиқ тартибли колонияларда қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тартибидаги жазони илгари ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога қайта

ҳукм қилиниб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тартибидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар ўтайди”, – дейилган.

Муқаддам суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тўлиқ ўтамасдан қасддан янги жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турига, ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахснинг қандай тартибли колонияда жазо ўташи лозимлиги бўйича қонунчилигимизда аниқлик мавжуд эмас.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 30-бандига кўра, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда жазо муддати Жиноят кодексининг ҳар бир моддаси бўйича алоҳида кўрсатилади. Озодликдан маҳрум қилиш тартибидаги жазони ўташ колониясининг тури жиноятлар мажмуи юзасидан жазо тайинлангандан сўнг белгиланади.

Муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамаган шахсга жазони ўташ манзил турини белгилашда фақат қайси жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлигини инобатга олиш лозим. Масалан, агар шахс қасддан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун эса озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланаётган бўлса, унга узил-кесил тайинланган жазони манзил колонияларда ўташи белгиланиши лозим.

Бироқ, агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога судланган, жазони ўташдан бўйин товлаган шахсга, суд томонидан тайинланган жазо озодликдан маҳрум қилиш тартибидаги жазо билан алмаштирилса, жазони ўташ колония тури Жиноят-ижроия кодексининг 47 ва 116-моддаларида назарда тутилган тартибда тайинланади.

Олий суд Пленумининг мазкур қарорида биз юқорида келтирган мисолда баён қилинган ҳолатларда судлар томонидан белгиланиши лозим бўлган колония турига аниқлик киритилмаган.

Амалдаги қонунларни қўллашда юзага келаётган ноаниқликлар бартараф қилинмаса, судларда кўтарилган масала юзасидан ягона амалиётни шакллантиришда турли хил ёндошув бўлаверади. Бу эса ўз навбатида суд қарорларининг сифатига, энг муҳими адолатли қарор қабул қилишга салбий таъсир кўрсатади.

Кўтарилган масала юзасидан Олий суд Пленуми ваколати доирасида бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш учун Олий суд Пленум қарорига тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, суднинг қабул қилган қарори мукаммал бўлиши ва қонунларга тўла риоя этилган ҳолда чиқарилиши керак. Шундагина суд қарорининг қонунийлиги га шубҳа туғилмайди.



**Ҳулқар МАҲМУДОВА,**  
Судьялар  
олий мактаби  
Касбий кўник-  
малар кафедра-  
си доценти

## СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНING ИМКОНияТЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят процесси иштирокчилари томонидан тақдим қилинадиган ахборотнинг ишончлилиги (шубҳалилиги), белгиларини (тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари видеоёзувлари бўйича) аниқлаш юзасидан суд-психологик экспертизанинг янги имкониятлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ишончлилик, шубҳалилик, суд-психологик экспертизаси, ёлгон маълумотлар.

**Терговга ёки суд жараёнларига тўсқинлик қилиш ахборотни айтмаслик шаклида яширишдан тортиб то кўрсатув беришдан бош тортишгача бўлган турли усулларда амалга оширилади. Булар – жиноятни яширишнинг пассив усуллари бўлиб, фаол қаршилиқ кўрсатиш, ёлгон ахборот яратиш, ахборотни ва (ёки) унинг манбаларини (ташувчиларини) ниқоблаш ва сохталаштиришда намоён бўлади. Била туриб ёлгон кўрсатувлар бериш, ёлгон маълумотлар тарқатиш ёки чақувлар – ахборотни сохталаштириш орқали яшириш усуллари дур. Ушбу ҳодисанинг намоён бўлиш даражалари турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилади, ammo барча мамлакатларда ёлгон гувоҳлик даражасининг юқорилигидан келиб чиқаётган бир хил муаммолар мавжуд, яъни бунинг натижасида жиноят ишлари бўйича тергов жараёни қийинлашади, иш бўйича тергов вақти чўзилиб кетади.**

XIX асрдаёқ ёлгонга ва суд жараёнида ёлгон гувоҳлик беришга қарши кураш имкониятлари жадал кўриб чиқилган. Г. Гросс томонидан 1898–1899 йилларда асос солинган «Архив криминальной антропологии» (Жиноий антропология архиви) журналида гувоҳларни махсус текшириш ҳамда уларнинг кўрсатувларини ишончлилигини суд-психологик экспертиза имкониятларидан фойдаланиб текшириш зарурлиги ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинган. Ўз тадқиқотларида ана шу манбаларга таянган немис психологи В. Штерннинг фикрича, психологик экспертизани иш бўйича асосий гувоҳлик кўрсатувларининг ишончлилиги шубҳа туғдирган мураккаб вазиятлардагина ўтказиш лозим: «Кундан-кунга шу нарса аниқ бўлиб бормоқда-ки, ҳатто нормал кўрсатув ҳам ниҳоятда мураккаб феномен бўлиб, уни тўғри тушуниш – жуда қийин; бундай вазифани бажариш учун ҳар қандай ҳодисани энг яхши тарзда таҳлил қилишга қодир илмий билим зарур»<sup>1</sup>.

А.Р. Лурия ўтган асрнинг 20-йилларида қуйидагиларни таъкидлаган: «Одатда ёлгончилик

тасодифий, ўжар ва ҳеч бир қонунга бўйсунмайдиган нарса деб ҳисобланади. Бироқ, бундай эмас. Ёлгон ҳам ўз шакл, қоида ва мисолларига эга. Ёлгон гапираётган инсон доимо тафаккур ва мантиқнинг муайян шакллари асосланади»<sup>2</sup>.

Олим жиноятларни тергов қилиш жараёнида яширилаётган ахборотни аниқлашга психология усуллари қўллаш имкониятларини излаб, ҳаракатланиш (мотор) соҳасининг ҳолати текширилувчининг асаб-руҳий ҳолатини жуда аниқ акс эттириши ва унда кечаётган реакцияларнинг тузилишини объектив тавсифлашни аниқлади<sup>3</sup>. У тадқиқотлар натижасида «алоқадорликни (яширилаётган ёхуд бузиб кўрсатилаётган ахборотни) аниқлашнинг экспериментал-психологик усулига криминалистикада объектив усулларни қўллашнинг жиддий имкониятларидан бири сифатида қараш лозим»<sup>4</sup>, деган хулосага келди.

С.Л. Рубинштейн ўзининг 1940 йилда ёзган «Основы общей психологии» (Умумий психология асослари) асарида кўплаб психологик жараёнларга изоҳ берган. У «ифодали ҳаракатлар» тушунчасини мутлақо янгича тарзда очиб берган: «Инсон ҳиссиётга берилганида унинг бутун организмни қамраб олувчи кенг ёйилган периферик ўзгаришлар унинг юзи ва бутун танасидаги мушаклар тизимига тарқалиб, ифодали ҳаракатлар деб аталувчи ҳаракатларида (мимикаси – юзнинг ифодали ҳаракатлари; пантомимикаси – бутун тананинг ифодали ҳаракатлари ҳамда «вокал мимикаси» – ҳиссиётларнинг овоз оҳанги ва тембридаги ифодасида) намоён бўлади...»<sup>5</sup>.

XX асрнинг 30–40-йилларида ҳар бир гувоҳ ва жабрланувчи психологик текширувдан ўтказилиши зарур, деган нуқтаи назар устунлик қилган<sup>6</sup>. Масалан, 1922 йилда қабул қилинган РСФСР ЖПКнинг 65-моддасида<sup>7</sup> айтилишича, жисмоний ёки руҳий камчиликлари сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғри идрок эта олмайдиган ва улар ҳақида тўғри кўрсатувлар бера олмайдиган шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкин эмас.


1960 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг<sup>8</sup> 72-моддасида ҳам ушбу ҳуқуқий қоида бор эди. Бироқ, гувоҳлик кўрсатувларининг ҳақиқат ёки ёлғонлиги масаласида вақти-вақти билан эксперт-психологларнинг махсус билимлари ва процессуал ваколатлари ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар юзага келарди. Психологик экспертизага кўрсатувларнинг ишончлилиги масаласини ҳал қилиш ваколати берилишига қарши бўлган олимлар ўз қарашларини кўрсатувларнинг ишончлилигини баҳолаш фақат тергов ва суднинг ваколатига кириши билан асослардилар.

Хорижий мамлакатлар жиноят процессида кўплаб тадқиқотлар ўтказиш давом эттирилди. Бунинг натижасида XX асрнинг иккинчи ярмида гувоҳлик кўрсатувларининг ишончлилиги бўйича суд-психологик экспертизасининг самарадорлиги Фарбий Германия, Швеция ва Польшада тан олинди. Гувоҳлик кўрсатувларининг ишончлилиги бўйича суд-психологик экспертизанинг Фарбий Европа мамлакатларида ривожланишига гувоҳлик кўрсатувларининг ишончлилигини психологик нуқтаи назардан холисона баҳолашга имкон берадиган умумий ва махсус ҳақиқат ҳақидаги таълимот сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Агар гувоҳ илгари кўрган, эшитган ёки бошидан кечирган нарса-ҳодисаларни тўлиқ, аниқ ва батафсил айтиб бера олса, бировларнинг ишонтиришига қарши барқарор тура олса, воқеаларни бўяб кўрсатишга мойил бўлмаса, юқори даражада аффектив кўзгалувчан бўлмаса, у умуман олганда ҳақиқатгўй эканлиги таъкидланади.

Демак, кўрсатувларнинг психологик ишончлилиги деганда сўроқ қилинаётган шахс берган ахборотнинг у идрок этган воқеаларга мувофиқлик даражасини ифодалайдиган хусусиятини тушуниш лозим. Шубҳалилик эса кўрсатувларнинг ишончлиликка қарама-қарши хусусияти, яъни айтилаётган ахборотнинг сўроқ қилинаётган шахс идрок этган ҳодисаларга номувофиқлигидир.

**О.Д. Ситковская психологик ишончлиликнинг белгилари сифатида куйидаги ҳолатларни келтиради<sup>9</sup>:**

- воқеа тавсифининг аниқлиги, ички мувофиқлиги ва мантиқийлиги;
- тафсилотларнинг, айниқса фақат бевосита билиш мумкин бўлган тафсилотларнинг кўплиги, иккинчи даражали ҳолатлар билан боғлиқ айрим тафсилотларнинг тўғри ифодаланиши;
- турли сўроқлар жараёнида асосий воқеанинг ўзгаришларсиз тавсифланиши;
- жиноят содир этиш жараёнидаги ҳаракатлар, гап-сўзлар, тўсқинликларнинг етарлича реалистик ва ҳақиқатга яқин тавсифлари борлиги;
- воқеани, одамлар ҳаракатларини батафсил ва тўлиқ тавсифлай олиш ва бошқалар.



О.Д. Ситковскаянинг фикрича сўроқ қилинаётган шахс бошқаларнинг ҳаракатларини идрок этишга, аниқ кузатишга ва тавсифлашга, ўз фикр ва кечинмаларини ифодалашга етарлича қодир бўлмаса, ёлғон гапирса ёки атайин ёлғон гапириш мотивларини билдирса бу кўрсатувлар шубҳалилигининг психологик белгилари бўлиши мумкин.

Демак, жиноят процесси иштирокчилари кўрсатувларининг ишончлилиги (шубҳалилиги) ни суд-психологик экспертиза қилишда асосий эътиборни у ёки бу иштирокчи воқеани талқин этишда бузишига олиб келувчи психологик омилларни ўрганишга қаратиш лозим. Биринчи навбатда – гувоҳнинг воқеа ва унинг иштирокчиларига эмоционал муносабатига (булар жабрланувчи ҳам, айбланувчи ҳам бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда), шунингдек гувоҳнинг кўрсатув бераётган вақтидаги хатти-ҳаракатига эътибор беришлари лозим. Шундай қилиб мазкур мезонни жиноят процесси иштирокчиларининг кўрсатувларига нисбатан қўллаганда, психологик ишончлилик сўроқ қилинаётган шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, унинг эмоционал ҳолати, билиш соҳаси, юз берган ҳодисага ва унинг иштирокчиларига муносабати орқали ташхисланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Штерн В. Изучение свидетельских показаний / Пер. с нем. – М., 1902. – С. 51.
2. Лурия А.Р. Экспериментальная психология в судебном следственном деле // Советское право. – 1927. – № 2 (26). – С. 84 – 100.
3. Қаранг: Лурия А.Р. Диагностика следов аффекта // Психология эмоций: тексты. – М., 1984. – С. 228–234.
4. Лурия А.Р. Экспериментальная психология в судебном следственном деле // Советское право. – 1927. – № 2(26).
5. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб., 1946.
6. Қаранг: Внуков Ф.В., Брусиловский А.Е. Психология и психопатология свидетельских показаний малолетних и несовершеннолетних. – Харьков, 1929; Брусиловский А.Е. К вопросу об экспертизе свидетельских показаний // Проблемы психиатрии и психопатологии. – М., 1935. – С. 646–663; Озерецкий Н.И. Психиатрическая экспертиза несовершеннолетних в суде // Проблемы судебной психиатрии. – М., 1940. – С. 54–64.
7. Постановление ВЦИК от 25 мая 1922 г. «Об Уголовно-процессуальном кодексе» (утратил силу) // URL: <http://www.consultant.ru>
8. Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР (утв. ВС РСФСР 27 октября 1960г.) (ред. от 29.12.2001, с изм. от 26.11.2002) (утратил силу) // URL: <http://www.consultant.ru>
9. Қаранг: Ситковская О.Д. Психологические признаки достоверности свидетельских показаний детей и подростков: Межвуз. науч.практ. сборник. Серия «Юридическая психология». Вып. 1. – Ставрополь, 2002. – С. 117–119.

# КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

**Садирдин БОЙДЕДАЕВ,**  
Тошкент давлат юридик  
университети мустақил  
изланувчиси

мақолада коррупция шакллари, кўринишлари ҳақида сўз боради, унга доир типологиялар, таснифлар ва қарашларни ўрганиб, бу борадаги энг мақбул мезонлар бўйича таснифлаш лозимлиги ҳақидаги зоялар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** коррупция, коррупцияга қарши қонунчилик, коррупция белгилари, коррупция шакллари, мансабдор шахс, мансаб.

**Коррупция шакли жиҳатидан турфа хил бўлиб, у нафақат замонавий жамият ҳаётининг барча соҳалари: иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқаларга зарар етказиши, балки ижтимоий амалиёт (одадий ҳулқ-атвор) тусига кириб, ҳаттоки айрим ривожланаётган жамиятларда ижтимоий институтга айланишига улгурди.**

Тадқиқотчи Дуглас Нортнинг машҳур таърифига кўра, институтлар – бу жамиятдаги “ўйин қоидалари” бўлиб, инсонлар ўртасидаги муносабатларни ташкил қилади ва барча соҳаларда – сиёсатда, ижтимоий соҳада ва иқтисодиётда ўзига хос “моддалар алмашинуви”га тизимлилик бериб туради<sup>1</sup>.

**Ўз навбатида, И.Аҳмедов коррупцияни мансабдор шахснинг фойдани тақсимлашдаги иштироки даражасига қараб таснифлайди:**<sup>2</sup>

➡ **прогрессив (илғор) коррупция** мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар даромадларини тақсимлашда билвосита иштирок этишини кўзда туттади. Бу тадбиркорларга битимлардан олинган фойдани кўпайтириш имконини берувчи маълум имтиёзлар бериш ҳисобига юз беради. Коррупциянинг бу тури Фарб мамлакатларида кенг тарқалган;

➡ **коррупциянинг яна бир тури тадбиркорларга сунъий тўсиқлар яратишига асосланган бўлиб, бундан мақсад “тўсиқларнинг бартараф этилиши учун тўлов” олишидир.** Исталган амалдор тадбиркор билан ўзига наф келтирадиган муносабатни ўрнатиши мумкин. Бунда, агар тадбиркор мансабдор шахс билан ҳеч қандай ўзаро келишилган муносабатларга киришини истамаса, унинг фаолияти банкротлик босқичига олиб келинади. Бу ривожланмаган мамлакатларда урф бўлган энг салбий коррупция туридир.

**А.Вербин ҳам ўзига хос равишда “цивилизациялашган” ва “сиёсий” шаклдаги коррупцияни ажратиш кўрсатади:**<sup>3</sup>

➡ **цивилизациялашган коррупция** – кўпчилик мамлакатлар коррупцияга расман руҳсат бериш орқали қонунийлаштирган.

Чет элда бирон бир шартнома тузмокчи бўлган ҳар қандай компания пора учун махсус пул ажратиш уларни умумий чиқимлар тури сифатида қайд этади. Башарти бирон бир муаммо туфайли, пора фойда бермаган бўлса (айтайлик, кимдир каттароқ пора берса), компания ҳукуматдан етказилган зарар учун товон талаб қилиши мумкин;

➡ **сиёсий коррупция** – коррупциянинг шундай турики, унинг асосий иштирокчилари давлат органлари тизимида юқори лавозимларни эгаллаган машҳур сиёсатчилардир<sup>4</sup>;

**Тадқиқотчи Т.Сафаров давлат бошқаруви органларидаги коррупциянинг алоҳида шакллари ўрганган ҳолда, унинг учта умумий типи мавжудлигини таъкидлайди:**

– **маъмурий коррупция**, у алоҳида шахс ёки бир неча шахслар манфаатида мансабдор шахс томонидан ҳақ эвазига (масалан пора эвазига), маълум маъмурий ҳужжатни чиқаришида намоён бўлади (имтиёз, кредит бериш ва ҳок.);

– **бюджет коррупцияси** – олий тоифадаги ёки масъул лавозимдаги амалдорлар томонидан давлат бюджети маблағларини йирик ҳажмларда ўзга шахслар билан бирга ўзлаштириб юбориш ёки мақсадли равишда ишлатмасдан, шахсий манфаати йўлида сарфлаб юбориш;

– **обрў-эътибори ёки нуфуздан (таъсир кучидан) фойдаланиш** – хусусий сектор вакиллари томонидан нуфузли давлат органи вакилининг таъсир кучидан фойдаланиш орқали шахсий манфаатга эга бўлиш<sup>5</sup>.

**Айрим олимлар ва тадқиқотчилар коррупцияни таснифлаш учун унинг ҳуқуққа хилофлилик, ижтимоий хавф даражаси ва бошқа бир қатор мезонлардан фойдаланишда. Бунда, коррупциянинг куйидаги ижтимоий аҳамиятга эга (хавфли) турлари ажратиш кўрсатилади:**<sup>6</sup>

➡ **порахўрлик** – мансабдор шахс ўз хизмат вазифасини адо этгани учун ёки эгаллаб турган лавозими туфайли бошқа шахслар ёки ташкилотлардан олдиндан била туриб қонунга хилоф равишда моддий муқофот олишидан иборат жиноят;

➔ мансаб ваколатларини суиистеъ-мол қилиш – мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фаол фойдаланиши ёки аксинча мансабдор шахс ўз хизмат вази-фаларини қасддан бажармаслиги (ҳара-катсизлиги) оқибатида содир этилади. Бунда мансабдор шахс айнан ўзганинг ҳисобидан мулкый фойда олиш мақсадида қасддан мансаб ваколатларини суиистеъ-мол қилади;

➔ тадбиркорлик фаолиятида қонунга хилоф равишда иштирок этиши. Бу ҳам анча кенг тарқалган коррупциявий жиноят ҳисоб-ланади. Амалдаги қонунчилик мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шувулланишни таъқиқлайди: мустақил ра-вишда ёки вакил орқали акциядорлик жами-ятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда қатнашиш ман этилган. Шун-га қарамай, айрим давлат хизматчилари маълум корхонанинг хўжалик фаолияти фаол иштирокчиси бўлиб қолаверади<sup>7</sup>.

**Юқоридагилардан аён бўлади-ки, тарқалиш соҳаси бўйича коррупция қуйи-даги турларга бўлинади:**

➤ миллатлараро коррупция;

➤ бир давлат, давлат органлари дои-расида ифодаланган давлат коррупцияси (буларга мисол учун, олий таълим соҳасида-ги коррупцияни келтириш мумкин<sup>8</sup>;

➤ хусусий сектордаги коррупция, яъни тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган турли хил коррупциявий ҳаракатлар.

**Мансабдорлар лавозимлари иерархия-си бўйича қуйидаги турларни ажратиш таклиф этилади:**

➔ олий даражадаги (элита) коррупция – йирик миқдорли ёки ўта муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи билан бовлиқ, масалан давлат буюртмалари, мулкчилик шаклини ўзгартириш ва бошқа;

➔ ўрта даражадаги коррупция – ўрта бўгинларда кенг тарқалган бўлиб, асосан мансабдор шахсларнинг хизмат кўрсати-ши билан бовлиқ;

➔ қуйи коррупция – энг кенг тарқалган бўлиб, амалдорлар ва фуқароларнинг кун-далиқ турмушда вужудга келадиган ўзаро алоқалари билан бовлиқ. Бу турли жарима-лар, пенялар тайинлаш, рўйхатга олиш ва бошқалар.

**Коррупциявий ҳаракатлар барқарор (такрорий)лиги бўйича қуйидаги икки тури ажратилади:**

➔ тасодифий (индивидуал) коррупция, яъни коррупциянинг ягона (бир марталик) фактларини ўз ичига олган ҳодиса;



➔ тизимли коррупция, у бутун жамият ҳаётини қамраб оладиган, даврий равишда такрорланиб турадиган коррупциявий хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган, аста-секинлик билан фуқаролар маъқуллаган хулқ-атвор усулига айланиб боради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коррупция рейтингларида Ўзбекистоннинг охириги ўрин-ларни эгаллаши давлат инвестициявий имко-ниятлари ва жозибаторлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Коррупцияга қарши курашишда жамиятимизда унга нисбатан муросасиз мента-литетни шакллантириш – мазкур салбий ҳоди-сага қарши курашишнинг ягона йўлидир, чунки фақат репрессив ва қатъий чораларни қўллаш орқали жамиятда урф бўлган коррупциявий му-носбатлар илдизини суғуриш имконсиз (Хитой тажрибаси бунга кўрсатмоқда).

Қолаверса ёшлар онгида коррупцияни оддий ҳол сифатида қабул қилиш ва ҳаттоки давлат тизимида йўлга қўйилган, урф бўлган механизм деб қараш мавжуд – бунга бир-икки ҳаттоки, ўн йил ичида ҳам ўзгартириш қийин. Ёшлар онгини тизимли равишда иқтисодий–ижтимоий, мада-ний ва маънавий-руҳий йўналишларда ўзгарти-риб бориш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Норт Д. Институты, институциональные изменения и формирование экономики: пер. с англ. М.: Фонд экономической книги, 1997. С. 16.
2. Ахмедов, И. Коррупционный беспредел / И. Ахмедов // Монитор. – 2003. – 10 апр. (№ 14).
3. Вербин, А. Не подмажешь, не подъедешь / А. Вербин // Советская Россия. – 2003. – 7 марта.
4. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие // Под ред. Е.О. Алауханова. – Алма-ты, 2008. С. 23.
5. Сафаров Т. У. Общие теоретические аспекты коррупции в орга-нах государственного управления. // Ж. JURISPRUDENSIYA / 2021/2 – Б.141-150.
6. Уголовное право России / отв. ред. И. Я. Козаченко, З. А. Незна-мов. – М.: Норма-Инфра-М, 2000. – с. 456–480.
7. Минзарипов Р.Г. Противодействие коррупции: учеб. пособие. - Казань, 2016. - 148 с.
8. З.Кучкаров. Олий таълим соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар тушунчалари // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 7 (2021).



**Дониёр РАДЖАПОВ,**  
Бош прокуратура  
академияси мустақил  
изланувчиси

## ТИББИЁТГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

**Соғлиқни сақлаш тизими жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутади. Чунки, унинг асосий мақсади аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, ўртача умр кўриш давомийлигини таъминлаш, зарур ҳолларда юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. Мамлакатимизда мазкур тизимда ишларни ташкиллаштиришнинг қонуний асослари яратилган. Хусусан, Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган.**

Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг аҳамияти жуда юқори ҳисобланади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак, аввало бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни муҳим ўрин тутади. Мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Юридик адабиётларда фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини қуйидаги гуруҳга ажратиш таклиф қилинади:

1) фуқароларнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилувчи субъектларининг фаолиятини, ваколатларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

2) Фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш механизми ва кафолатларини, прокурор назорати объектларининг ваколатлари ва жавобгарлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

Ушбу гуруҳга мансуб меъёрий ҳужжатлар прокуратура фаолиятини бевосита тартибга солмайди, лекин уни амалга ошириш учун асосий аҳамиятга эга бўлган қоидаларни ўз ичига олади.

Прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ўзига хос хусусият касб этади. Шу боис унга вазирликлар, давлат қўмига ва идораларининг буйруқлари, қарорлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг “Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари” деб номланган 3-моддасига кўра, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Шу ўринда прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари жумласига Ўзбекистон Республикасининг

ҳалқаро шартномаларини киритиш мумкинми?, – деган ҳақли савол туғилади.

Қонуннинг 3-моддаси мазмунидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғридан-тўғри прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари сифатида кўрсатилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни 6-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари сифатида назарда тутилмаган.

Юридик адабиётларда ҳам давлатнинг халқаро шартномалари прокуратура фаолияти ҳуқуқий базасининг ажралмас қисми эканлиги ва қуйидаги иккита асосий гуруҳга бўлиниши ҳақида фикрлар илгари сурилади: 1) прокуратура фаолиятида қўлланиладиган қоидаларни ўз ичига олган халқаро шартномалар; 2) прокуратура органлари ва ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ва тартибини белгиловчи нормаларни ўз ичига олган халқаро шартномалар.

Қоида тариқасида, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар прокуратура фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга таъсир қилмайди.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонун ҳужжатларининг аксариятида прокуратуранинг қонун устуворлигини таъминлашдаги роли тўғридан-тўғри кўрсатилмаган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқариладиган фармон ва қарорлар прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари таркибида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғининг 8-бандида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш чоралари кўрилиши юзасидан кўрсатмалар берилганлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Юқоридагиларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва унинг мазмунини қуйидаги таҳрирда баён этиш ҳақидаги хулосани чиқаришга асос бўлади:

“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро шартномалари ва келишувлари, мазкур Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фаолияти ҳам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Давлатлараро органларнинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидалари асосида уларни талқин қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган қарорлари Ўзбекистон Республикасида ижро этилиши мумкин эмас.”

Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ичида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ўринга эга. Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган бўлиб, ушбу модда меъёрлари халқаро стандартларга тўла мувофиқ келади. Мазкур модда бетакрор ҳуқуқий қадрият ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси баркамол авлодни етиштириш, ҳам жисмонан соғлом, ҳам руҳан тетик инсонни тарбиялаш, шакллантиришдан иборат.

Шуни таъкидлаш керак-ки, ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган конституциявий норма юзасидан айрим олимлар ўз фикрларини билдириб, инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқидан олдин, соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эга бўлиш зарурлигини, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи инсоннинг яшаш ҳуқуқи каби конституция даражасида мустақамланиши кераклигини таъкидлайди. Ҳуқуқшунос олимлар Л.Ф.Исхакова ва У.Ш.Нурбоевларнинг фикрича, яшаш ҳуқуқи бир неча ҳуқуқий воситалар мажмуи билан таъминланади ва булар ўз аксини асосий қонун ҳисобланган Конституцияда, соҳавий қонунчиликда топади. Уларнинг фикрича, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи яшаш ҳуқуқининг таркибига киради.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларига мувофиқ инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олади ва кафолатлайди. Конституциямизнинг 40-моддасида кафолатланган ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ келади.


Кўриб чиқилаётган масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги шуни кўрсатади-ки, масалан, ГФР ва Буюк Британиянинг асосий қонунларида соғлиқни сақлаш ҳуқуқи борасида тўғридан-тўғри норма мавжуд эмас.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлигининг белгила-ниши фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқининг конституция даражасида мустақамланишига зарурат қолдирмайди.

Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари прокурор назоратининг ҳуқуқий элементлари ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу элементлар фуқароларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинадиган соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини белгилайдиган махсус яхлит, уюшган нормалар тизими ҳисобланиб давлатнинг, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳоли саломатлигини сақлаш, мустақамлаш, қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришга қаратилган мақсад ва вазифаларини ўзида бирлаштиради.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари барча фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларига собитқадамлик билан риоя этилгандагина қонун устуворлиги мустақамланиши, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилиши таъминланади.





**Сухроб  
ИБРАГИМОВ,**  
Жамоат хавфсиз-  
лиги университе-  
ти магистратура  
тингловчиси

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМИЯТ ОСОЙИШТАЛИГИ

### АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари кенг ёритилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тизимини ривожлантиришга қаратилган таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноят қурбони, умумий профилактика, махсус профилактика, якка тартибдаги профилактика, виктимологик профилактика.

**Ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг зарурлиги масаласи қадим замонлардан бери муҳокама қилиниб, бу борада кўплаб алломалар ўзларининг фикрларини билдирганлар. Хусусан, Афлотун ва Арасту бу борада фикр юритиб жиноятни жазолагандан кўра унинг олдини олишни биринчи ўринга қўйишган<sup>1</sup>.**

Соҳибқирон Амир Темура ҳам давлат ишларини юритишда давлатга зиён-заҳмат етказувчи барча салбий иллатлар хавфидан узоқ бўлишни, унинг олдини олиш лозимлигини таъкидлайди. Амир Темура давлатида ҳам жиноятга жазо беришга эмас, балки, унинг олдини олишга катта аҳамият қаратилган. Соҳибқирон ҳарбий сиёсатининг асосий мақсади – мамлакатни ички ва ташқи хавфдан ҳимоя этиш, геосиёсий майдондаги парокандалик ва беқарорликнинг олдини олиш, худудда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, яхлит геосиёсий майдондаги вазиятни тўла назоратга олиш бўлган<sup>2</sup>.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида файласуф А.Н. Радищев, инсон оғир вазиятга тушиб қолганда, яшаш учун кураш мақсадида жиноят содир этиши мумкинлигини айтиб, жиноят содир этишнинг олдини олиш учун фақатгина огоҳлантириш кифоялиги тўғрисида фикр билдирган.<sup>3</sup> А.И. Герцен жиноятларнинг содир этилишига одамларнинг салбий турмуш шароити, уларнинг ночор иқтисодий аҳволи, жамиятнинг бой ва камбағал қатламларга бўлиниши сабаб бўлади<sup>4</sup>, деб ёзади.

**Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга асосан:**

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси каби турлари ажратилади<sup>5</sup>.

Мазкур қонунда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг вазифалари келтирилган бўлиб, унга кўра: ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот; ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бегиланган<sup>6</sup>. Бу борада амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон фармонида кўра, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган. Афсуски, профилактика инспекторлари кун давомида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, келиб тушган аризаларни судга юбориш каби ишлар билан овоза бўлиб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланишга вақт тополмай қоладилар.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик (жиноят қурбонларини криминалогик, психологик, педагогик, социологик ва этнографик томондан ўрганиш) профилактикаси борасида гапирадиган бўлсак, бу асосий профилактика турларидан биридир. Амалдаги қонунчилигимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахнинг ҳуқуқбузардан жабрланувчига айланиш хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деб белгиланган.

**Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширувчи чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:**

- аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;



- жабрланувчиларни ҳуқуқбузарликлардан жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус кенг қамровли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни қонунда назарда тутилган ўзини-ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

- ғайриижтимоий ҳулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

- ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

- ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, кутқарув хизматларини ташкил этиш;

- профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Фикримизча виктимологик профилактика асосан жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори шахсларнинг ҳимояланиши билан профилактиканинг бошқа турларидан фарқланади. Булар жумласига вояга етмаганлар, ёлғиз кексалар, бева аёллар, енгил табиатли хотин-қизлар, шахарлараро такси ҳайдовчилари, давлат органлари ҳодимларининг оила аъзолари, пулдор шахслар ҳамда уларнинг фарзандлари ва бошқа алоҳида профилактик назорат талаб қилувчи шахслар қирадилар.

Профилактика доимий равишда узлуксиз амалга оширилиши керак. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси борасида жамиятдаги мавжуд ижтимоий институтлар ўз вазифаларини сифатли амалга оширишига жиноят содир этилишига олиб келадиган омиллар, ҳолатлар, вазиятларни барвақт аниқлаш, бартараф этиш ёки зарарсизлантиришга эришилиши мумкин.

Виктимологик профилактика жиноятларнинг олдини олишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Афсуски, бу бизнинг жамиятимизда ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Жумладан, амалдаги қонунчилигимизга кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини

амалга оширишда болалар томонидан ёки уларга қарши содир этилган жиноятларнинг олдини олиш профилактиканинг муҳим жиҳатларидан бири бўлиши керак. Болалар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби улар ўз қилмишларининг жиддийлигини билмаганлиги дейиш мумкин.

Шуни тан олишимиз керак-ки бу борада бирор бир умумтаълим мактабларида ўқувчилар билан ҳеч бўлмаганда жамоат жойларида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактик тадбирлар амалга оширилмайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларидан яна бири шуки, оиладаги нотинч муҳит, ота-оналар томонидан фарзандларининг мактабдан кейинги бўш вақти назоратга олинмаганлиги, ҳуқуқий саводхонлигининг етарли даражада эмаслигидир.

### Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- умум таълим мактабларида юқори синф ўқувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини кенг тарғиб қилиш;

- содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг тафсилотларини оммавий ахборот воситаларида кунлик ёритиш амалиётини жорий қилиш;

- “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга “ҳуқуқбузарликларнинг кибер профилактикаси” ва “уюлмаган ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси” каби ўзгартиришларни киритиш.

Хулоса қиладиган бўлсак, жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун давлат жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлардан холи бўлиши керак. Бунинг учун содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноий ҳолатларнинг олдини олиш, жамиятнинг барча бўғинларида профилактик тарғибот дастурларини амалга ошириш, айниқса, жамиятнинг вояга етмаганлар қатлами ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикасига оид тарғибот дастурларини йўлга қўйиш лозим бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2833-сонли қарори.
2. А.А Одилов А.Темур тузуқлари давлат бошқаруви асо-си.// Тошкент-2016.// “Fan va texnologiya” нашриёти, 2016.// 114,124,134,135 бетлар.
3. 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонуннинг 6-моддаси.
4. 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонуннинг 3- 6- боблари.



## “ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” КОНЦЕПЦИЯСИ

### АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада “Хавфсиз маҳалла” концепциясининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган ва амалиётга жорий қилишнинг

**Равшан ИСАМУТДИНОВ,** институционал асослари ёритилиб, “Хавфсиз маҳалла” тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилган.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари

**Калит сўзлар:** хавфсиз маҳалла, обод ва хавфсиз маҳалла, концепция, тамойил, мезон, ҳуқуқбузарлик профилактикаси.

**Ўзбекистонда аҳоли осойишталиги ва тинчлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг долзарб йўналишларидан бири – бу “Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалиётга жорий қилишга қаратилгандир.**

Хўш, “Хавфсиз маҳалла” концепцияси деганда нима тушунилади?

Ҳозирги кунда бу тушунча тилимизда кенг қўлланилишига қарамай ҳуқуқшунослар ва мутахассислар томонидан етарлича ёритилмаган.

“Хавфсиз маҳалла” концепцияси – хатарлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган қарашлар йиғиндиси бўлиб, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган маълум бир ҳудуднинг ўзига хос фаолиятини белгилайди.

Шунга кўра, Ўзбекистонда “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва шу орқали ушбу тизимнинг ташкил қилиниши ҳамда олдида кўйган вазифалари нималардан иборат эканлигини аниқлаш аҳамиятли ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг “Хавфсиз маҳалла” концепциясини тартибга солувчи қуйидаги меъёрий ҳужжатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:**

■ 2018 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4060-сон қарори;

■ 2020 йил 18 февралдаги Президентимизнинг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони;

■ 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли Президент қарори;

■ 2020 йил 15 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 228-сон қарори.

тини тартибга солиш соҳасидаги норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 228-сон қарори.

“Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалиётга жорий қилиш билан жамоат хавфсизлиги ва тинчлигини маҳаллабай ёндошиш орқали таъминлаш имконияти туғилди.

Президентимизнинг ПФ-5938-сонли фармони билан ҳар бир маҳаллада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган 6 та йўналишни ўз ичига олган янги тизимни жорий этиш вазифаси белгилаб берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 228-сонли қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига “Обод маҳалла” ва “Хавфсиз маҳалла” тушунчаларининг асосий мезонлари, йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш вазифаси юклатилди ва Вазирлик Марказий аппаратида Хавфсиз маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси, Вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида эса Хавфсиз маҳалла фаолиятини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўз навбатида “Хавфсиз маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

### Мазкур Низомга мувофиқ бошқарманинг:

➤ “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини тўлақонли ва самарали жорий этиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш соҳасидаги фаолиятини белгилаган тартибда назорат қилиш;

➤ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш, кадрлар салоҳиятининг доимий равишда мустаҳкамланишини таъминлаш;

➤ фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

➤ фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилиги патруль гуруҳлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

➤ маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органларининг куч ва воситаларини жалб қилиш;

➤ “Хавфсиз маҳалла” тушунчасининг асосий мезонлари, йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш каби бир қатор вазифалари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 июлдаги 419-сонли қарори билан “Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти ташкил этилиб, ушбу котибиятнинг вазифаларидан бири сифатида ҳар бир маҳаллада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизимни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар мувофиқлаштирилди.

**Жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни тўлақонли ва самарали жорий этиш, маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш соҳасидаги устувор йўналишларни шакллантиришда иштирок этиш, фанлараро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш:**

– “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг асосий мезонлари ҳамда уларга асосланган тизимни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятига жорий этиш механизмлари бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таҳлилий материаллар тайёрлаш кабилар илмий-тадқиқот институти вазифаларидан этиб белгиланди.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, “Хавфсиз маҳалла” концепциясининг яратилиши ва уни илмий муомалага киритишдан қўйидаги бир қатор мақсадлар кўзда тутилган:**

✳ биринчидан, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва жамоат тартибини сақлаш йўналишида фаолият олиб бораётган ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушбу тушунчанинг мазмунини тушуниш ҳамда назарий билим сифатида ўрганиш;

✳ иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хавфсиз маҳалла тушунчаси билан боғлиқ бўлган вазиятни ёритишда мазкур тушунчадан фойдаланиш;

✳ учинчидан, Ўзбекистонда “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилиш орқали идора ва ташкилотларнинг вазифа ва функцияларини белгилаш;


✳ тўртинчидан, “Хавфсиз маҳалла” мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишда ушбу тушунчани қўллаш.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб миллий қонунчилик талаблари асосида хавфсиз маҳалла тушунчасига қўйидагича таъриф бериш мумкин:**

хавфсиз маҳалла – фуқаролар йиғинидаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитнинг хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий соҳада барқарор ривожланиши ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, Ўзбекистон Республикасида “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилиш бўйича ўзига хос миллий тизим шакллантирилди.

Бироқ, мазкур соҳанинг тартибга солувчи ҳуқуқий тизими мавжуд бўлса-да, ҳуқуқий муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги кузатилмоқда. Яъни, қонун ости ҳужжатларининг бир-бирига мослаштирилмаганлиги, айрим меъёрий ҳужжатларда камчиликлар борлиги кўзга ташланмоқда. Бу эса мазкур йўналишда қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.





**Дурбек  
МАХКАМОВ,**  
Тошкент  
давлат юридик  
университети  
доценти

## “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

*Пандемия бутун дунёдаги эволюцион ривожланишга салбий таъсир кўрсатди. Бу эса ўз навбатида ҳар жабҳада янгича ёндошув, муносабат, бошқарув ва ишлаш тизимини тақозо этди. Мазкур ўзгариш фақатгина атроф-табиий муҳит ва табиий объектларга нисбатан бироз ижобий таъсир кўрсатди. Зеро, пандемия даврида ишлаб чиқариш, саноат каби табиий ресурслардан фойдаланувчи соҳалар ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатди.*

Экспертлар фикрича COVID-19 ҳаво сифатига кутилмаган таъсир кўрсатиб уни маҳаллий даражада вақтинча яхшилаган. Аммо, пандемия пайтида содир бўлган ўзгариш ифлосланиш ва иқлим ёмонлашишига олиб келадиган асосий омилларни бартараф этишининг ўрнини боса олмайди ...<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, табиий таъсирнинг ўзи экологияни тўлиқ хавфсиз муҳитга айлантириши мушкул. Зотан, антропоген таъсир ҳар даврда бирламчи зарар кўрсатувчи омил бўлиб келган. Инсоннинг табиий ресурсга эҳтиёжи тобора ортишини бир нечта сабаблар орқали кўришимиз мумкин. Бу аҳоли сонининг ошиши бўлса, яна бири инновацион технологиялар, сунъий интеллект, муқобил энергия манбаларига эҳтиёж ортанлигидир.

Сўнгги пайтларда “яшил иқтисодиёт”, “яшил” курилиш, “яшил” шаҳар каби тушунчаларнинг истеъмолга кириб келиши ҳам бежиз эмас. “Яшил” иқтисодиёт - бу XX асрнинг охирида шаклланган иқтисод фанининг йўналиши бўлиб, у инсон иқтисодий фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш зарурлигини таъкидлайди ва у ҳар қандай ҳолатда ҳам иқтисодий ўсишга эмас, балки, атроф-муҳит учун минимал хавф билан ривожланишни кўзда тутувчи барқарорликка интилади<sup>2</sup>.

Бунда биохилма-хилликни таъминловчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш устувор тамойилга айланади.

Бу борада жаҳон юриспруденцияси тегишли ҳужжатлар орқали умумий жиҳатдан тартибга солинган. Масалан, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш масаласи юзасидан 2002 йил Ёханнесбургда бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича бутун жаҳон саммитида XXI аср кун тартибига турган мақсадлардан бири сифатида белгиланган эди<sup>3</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор халқаро ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган. Хусусан, атроф табиий муҳит ва ривожланиш бўйича 1992 йилда бўлиб ўтган БМТ Конференциясида барча турдаги ўрмонларни ўзлаштириш, сақлаш ва оқилона фойдаланиш бўйича глобал консенсус тамойиллари тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда илк бора нотропик ўрмонларнинг углеродни ютиш ва кислород чиқариш бўйича глобал мувоза-

натдаги муҳим ўрни халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди.

Шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш бўйича давлатлараро ҳамкорликка “Йўқолиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турлари халқаро савдоси тўғрисида”ги конвенция ҳам муносиб ҳисса кўшади<sup>4</sup>.

Конвенция (CITES)да “Ёввойи флоранинг кўп сонли ажойиб ва турли хил шакллари замин табиий тизимларининг бетакрор қисми ҳисобланади, улар ҳозирги ва келгуси авлодлар учун муҳофаза қилиниши керак...”, деган қоида қайд этилган. Бугунга келиб 166 давлат унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Интерполнинг баҳолашига кўра, ўсимлик турларининг контрабандаси унга қўйилган маблағларнинг ҳажмига кўра наркотиклар контрабандасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Конвенция эса ривожланишига ноқонуний жаҳон савдоси (контрабанда) таҳдид солаётган ўсимликларнинг экспорти ва импорти устидан самарали назорат қилиш дастагидир. Ушбу турлар алоҳида рўйхатлар – Конвенция қоидаларига киритилган. Ўсимликларни, уларнинг қисмлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (дериватлар)ни олиб чиқиш ҳамда олиб киришга фақат CITES миллий илмий органи билан маслаҳатлашилганидан кейин, унинг махсус рухсатномаларга кўра йўл қўйилади.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги 3-4 йилда мамлакатимизда ҳам ушбу тенденция бошланди ва экологик сиёсат ракурси кескин ижобий томонга ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида “Яшил” иқтисодиёт термини биринчи марта Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да ўз аксини топди. Бу борадаги энг асосий ва муҳим ҳужжат 2019 йили октябрда қабул қилинган “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қароридир.

**Мазкур қарор билан хорижий давлатлардан фарқи равишда ўзига хос узоқ муддатли истиқболда “яшил” иқтисодиётга ўтишнинг:**

- барқарор ривожланиш соҳасида Миллий мақсад ва вазифаларга мувофиқлик;
- ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш;
- иқтисодий ҳисоб тизимига экологик ва ижтимоий мезонларни киритиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун «яшил» воситалар ва ёндошувларни қўллаш устуворлиги;
- энг муҳим тармоқларда рақобатбардошликни ошириш ва кўрсаткичларни яхшилаш, «яшил» иш ўринларини яратиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш орқали мавжуд макроиқтисодий мақсадларга эришиш;
- ресурслардан самарали фойдаланиш тадбирларининг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш каби таъминчилари белгилаб берилди.

Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича кенг қамровли стратегия ҳамда қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. 2021 йилдан бошлаб мамлакатда ҳар йили 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган. 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга, қайта тикланадиган энергия улушини эса камида 25 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Биохилма-хиллик (экотизимлар, турлар, генлар) одамлар яшайдиган жой ва уларнинг ўз тирикчилигини ўтказадиган атроф-муҳит билан ўзаро муносабатидан келиб чиққан ҳолда камбағалликни қисқартиришда кўп жиҳатлари билан муҳим аҳамият касб этади. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция котибияти таърифига кўра: “Дунё бўйлаб қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган экин навлари ва ҳайвон зотлари дунёдаги генетик хилма-хилликка асосланган. Бундан ташқари, биологик хилма-хиллик тупроқ унумдорлиги ва ўсимлик чангланлигини таъминлаш ҳамда зараркунандаларга қарши курашда ёрдам бериш орқали қишлоқ хўжалиги тизимларини бевосита қўллаб-қувватлайди. Шу сабабларга кўра, биохилма-хиллик сони ўсиб бораётган дунё аҳолиси учун озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим омил ҳисобланади.”

Фикримизча, мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ харажат ва фойдаларни баҳолаш ҳамда қийматини аниқлашга қаратилган услуб ва чораларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ислохотларнинг амалиётга эркин жорий этилишига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли биологик хилма-хиллик ва экотизимни асраш, улардан барқарор фойдаланишни рағбатлантириш, имкониятлар яратиш ҳамда молиялаштириш учун рағбатлар ва молиявий воситалар яратишга бевосита йўналтирилган молиявий ва иқтисодий механизмлар акс этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни таклиф этамиз.



Яна бир эътибор бериш керак бўлган соҳа бу экологик бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий стратегик йўналиши бўлмиш атроф-муҳит ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, ахборот сифати ва миқдорини яхшилаш ҳисобланади. Мисол учун, Ўзбекистонда гидрометеорологик кузатув даврийлиги ва параметрлари меъёрий қоидаларга мувофиқ келса-да, автоматик тарзда мониторинг олиб бориш, маълумотлар тўплаш, маълумотлар сифати назорати, уларни қайта ишлаш ва етказиш амалиёти мавжуд эмас. Бу эса реал вақт режимида доимий мониторинг олиб бориш ёки маълумот тўплашга тўсқинлик қилиб, кўпинча, мониторинг маълумотларини бошқа тегишли муассасаларга ўз вақтида тақдим этиш имконини бермайди. Бундан ташқари, ўсимлик дунёсининг йўқолиб кетиши натижасида микроклим ва мозаик ландшафтларнинг йўқолиши оқибатида чўлланнинг кучайиши хавфи юзага келади.

**Назаримизда қуйидагиларнинг жорий этилиши санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва “яшил” иқтисодиётни рўёбга чиқариш учун муҳим элемент ҳисобланади:**

- атроф-муҳит мониторинги тўғрисидаги маълумотлар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш;
- тармоқлараро мувофиқлаштириш ва кенг қамровли ёндошувларни кучайтириш;
- экотизимлар, бойликларни асраш ва ривожлантириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш ҳамда буни самарадорликни ўлчаш ва кузатишда қўлланадиган кўрсаткичларда инobatга олиш;
- табиий ресурсларни бошқариш ва ривожлантиришни режалаштиришда кенг қамровли манфаатдор томонлар ҳамда жамоатчилик иштирокидаги маслаҳатлашув механизмларини яратиш.

Мулоҳаза юритилган мавзу доирасида билдирилган таклиф ва қарашлар атроф-муҳит муҳофазаси ва янги босқич сифатида эътироф этилаётган “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги назарий жабҳани бойитишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://news.un.org/ru/story/2021/09/1409342>.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
3. Холмўминов Ж.Т. К вопросу о принципах международного экологического сотрудничества в Республике Узбекистан // Фемида. – Тошкент, №12. – 2004. – С. 37-39.
4. Международное публичное право: Учебник / Л.П.Ануфриева, Д.К.Бекяшев, К.А.Бекяшев, В.В.Устинов и др. Отв. ред. К.А.Бекяшев. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Проспект, 2005. – С. 654.



**Носиржон  
ХОЖИЕВ,**

Тошкент давлат  
юримдик универси-  
тети  
ўқитувчиси

## ДАЛИЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ: САБАБ ВА ОҚИБАТ

### АННОТАЦИЯ:

*мазкур мақолада далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) нинг объекти ва предмети билан боғлиқ масалалар баён этилган. Шунингдек, Жиноят ҳуқуқи доктринасида жиноят объектини тушунишга турли хил ёндошувлар мавжудлиги ва улар: жиноят объектининг жамоатчилик билан алоқаси; ҳуқуқ нормалари ва жиноят объекти; товарлар ва манфаатлар жиноят объекти сифатида; одамлар жиноят объекти сифатида эканлиги ва ҳоказолар таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** далиллар, сохталаштириш, қалбакилаштириш, объект, предмети, жиноят, жазо, суд, тергов, қонун.

Сохталаштириш (қалбакилаштириш) мураккаб ва кўп қатламли характерга эгадир. Сабаби, бунда далилларни тўплаш ва тақдим этишнинг процессуал тартибига тажовуз қилиниб, мазкур жиноятлар суд ва дастлабки тергов органларининг нормал фаолиятини бузади ҳамда органлар тизимига зарар етказилади.

Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, ишбилармонлик обрўси, мулкӣ ҳуқуқлари, жисмоний эркинлик ва бошқа шахсий ҳуқуқлари билан ҳам боғлиқ.

Кўриниб турибдики, жиноят субъектининг аниқланиши кўп жиҳатдан жиноятнинг ҳақиқий йўналишини очиб беришга ёрдам беради. Кўпгина жиноят қонунчилиги нормаларида, жиноят объекти тўғридан-тўғри номланмаган ва уни аниқлашда жиноят предметининг тавсифи ёрдам беради.

Жиноятнинг номоддий объектдан фарқли ўлароқ, текширилиши, ўлчаниши ва тузатилиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи ҳимояси объектни аниқлаш ва конкретлаштириш учун жиноят субъектининг хусусиятларига мурожаат қилиш, субъект анъанавий равишда бу муносабатлар мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг айнан шу қисми сифатида ҳаракат қилишига асосланади.

Таъкидлаш жоизки, исботлаш ва далиллар назарияси таълимоти фуқаролик ҳуқуқи ва жиноят процессуал фанининг энг мураккаб ва қарама-қарши бўлимларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят-процессуал қонунчилиги қоидаларига асосланиб (Фуқаролик процессуал кодексининг 71, 72, 73, 74, 75, 84, 90-моддалари, Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 74, 75, 77-моддалари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 65, 66, 67, 68, 69, 71, 74, 76-моддалари, Жиноят-процессуал кодексининг 81, 87, 95, 95<sup>1</sup>,-моддалари,

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276, 277-моддалари) ва далиллар назарияси соҳасидаги назарий қоидаларига асосан кенг тарқалган шаклда далиллар фактлар ҳақидаги маълумотлар сифатида аниқланиши мумкин.

Ҳозирги замон олимларининг исбот қилиш жараёни моҳиятини турлича тушунишларига қарамасдан, бу категорияни тадқиқ қилган олимларнинг кўпчилиги унга ўз таърифларини беришга ҳаракат қилганлар.

Бир қатор муаллифлар исбот қилиш жараёни моҳиятини очишда унинг элементларига катта эътибор қаратадилар. Масалан, И.М.Гуткин ва П.Ф.Пашкевич исбот қилиш жараёнига таъриф бериб, бу жараён далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича, улардан жиноятнинг содир бўлган-бўлмаганлиги тўғрисидаги хулосаларни, шунингдек, уни содир этган шахс ва ишни тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларни асослашда фойдаланиш бўйича суд, суриштирув органлари, терговчи, прокурорнинг фаолиятдан иборатдир<sup>1</sup>, деб таъкидлайдилар.

В.С.Джатиёвнинг фикрича, билиш – «ўзи учун» амалга ошириладиган фаолият, исбот қилиш эса – «адресат учун» амалга ошириладиган фаолиятдир. Билишнинг мақсади билим олиш бўлса, исбот қилишнинг мақсади – адресатни шу нарсага ишонтиришдир<sup>2</sup>.

М.К.Треушниковнинг фикрига кўра, процессуал исбот қилиш бу – фуқаролик процессуал нормалари билан тартибга солинган, ҳам умумий юрисдикциядаги судларда, ҳам хўжалик судларида асослантирилган ва қонуний суд қарорларининг чиқарилишини таъминловчи, эҳтимолий фикрларнинг ҳақиқий билимга ўтиш йўлидир.

Шуни таъкидлаш зарурки, исбот қилишни билиш билан аралаштириб юбормаслик керак, чунки, исбот қилиш билишдан тасдиқловчи

ҳолатнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Яъни, «билишнинг тасдиқловчи томони қонуннинг далилларни муайян тартибда тўплаш, текшириш ва қайд этиш, шу жумладан қатор тергов ҳаракатларининг олиб борилишида ҳолисларнинг ҳозир бўлиши ҳақидаги талабларида ифода этилган»<sup>3</sup>.

Фикримизча, тасдиқловчи ҳолатнинг мавжудлиги исбот қилишнинг мажбурий мезони бўлиб, айнан шу мезон жиноят-процессуал исбот қилишни бошқа соҳалардаги исбот қилишдан (масалан, тезкор-қидирув фаолиятидаги тезкор хужжатлаштиришдан) фарқлайди.

Бирок, далиллар ва уларнинг манбалари билан узвий боғлиқлик тўғрисидаги қонуннинг аксиоматик хусусиятига қарамай, жиноят ҳуқуқи фани ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида, далил манбасини сохталаштиришга жиноий-ҳуқуқий баҳо бериш масаласи муҳимдир.

Далилларни қабул қилиш талабларини бажариш билан боғлиқ қонунбузарликларнинг асосий сабабларидан бири, далил манбасига етарлича эътибор берилмаслигидир.

Амалий нуқтаи назардан, далил манбасининг далил маълумотлари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш масаласи, хусусан, суриштирувчи ёки терговчи сўроқ қилиш ёки воқеа жойини текшириш протоколини сохталаштириш ҳақиқий ёки ҳаёлий иштирокчиларнинг имзосини қалбакилаштириш орқали юзага келади ва тегишли процессуал ҳаракатлар амалга оширилса-да, лекин айна пайтда баённомаларда акс эттирилган маълумотларнинг мазмунини ўзгартирмайди.

Далил манбасининг сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши)га жиноий-ҳуқуқий баҳо беришда (масалан, жиноят иши бўйича гувоҳни сўроқ қилиш баённомаси), далил маълумотининг мазмуни ўзгариши билан бирга Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объектив томони жиноят ишлари бўйича далилларни йиғиш ва тақдим этишнинг процессуал тартибини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, далил маълумотлари ва манбалари бир-бири билан мазмун ва шакл жиҳатдан ўзаро боғлиқдир. Бинобарин, далилларни қалбакилаштириш далилий маълумот (далилларнинг мазмуни)ни қасддан ўзгартирганда ҳам, далил манбаси (унинг шакли)ни бузиб кўрсатишда ҳам содир бўлади.

Шуни ёдда тутиш керак-ки, далилларни қалбакилаштиришда суриштирувчи, терговчи жиноий жавобгарликдан қочиб, деярли ҳар қандай жиноят ишини “йўқ қилиши” мумкин. Бунинг учун айбловнинг асосини ташкил этувчи далил манбаларини қўпол равишда сохталаштириш кифоя қилади. Шундай қилиб, далилларни қалбакилаштириш тўғридан-тўғри объектнинг маз-

муни, далилий маълумотлар ва далиллар манбасининг узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда: а) жиноий иш учун муҳим бўлган ҳолатларнинг мавжуд ёки йўқлиги аниқланган фактлар тўғрисидаги маълумотлар; б) бундай маълумотни олиш манбасини сохталаштириш кўринишларида намоён бўлади. Жиноят ишлари бўйича далилларни қалбакилаштириш борасида суд-экспертиза амалиёти таҳлили шуни кўрсатади-ки, агар сохталаштирилган далилий маълумотлар жиноят иши материалларида кўрсатилган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга имкон берса (жиноят ҳодисаси, шахснинг айби ва бошқалар), суд-экспертиза хулосасига асосан маълумот ва далилларнинг қалбакилаштирилганлигини аниқлаш мумкин.

ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган, ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 22-моддаси талабларига кўра, суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчинини ёки судланувчинини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаши ва ҳисобга олиши лозим<sup>4</sup>.

Бундан ташқари ЖПКнинг 463-моддаси 1-қисмига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида

*(Донишмандлар) де-  
митларким, ўз ўрнида  
қилинган тағбир билан  
саноксиз лашкар қили-  
чи оқизлик қилиган ҳар  
қандай маллакат дарво-  
засини очиб, беҳисоб лаш-  
карини енгиб бўлур.*

“Темур тузуклари”дан

йифилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ишда гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади.

Жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (айбдор, судланувчи, даъвогар, жавобгар ва учинчи шахслар) жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас.

Айбдор (судланувчи) процесснинг маълум бир босқичида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган бўлса-да, ёлгон гувоҳлик берганлик учун ЖКнинг 238-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Далилларни қалбакилаштириш предмети белгиларининг таҳлили шуни кўрсатади-ки, Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси бўйича жиноят субъекти сифатида хизмат қиладиган далиллар доирасини кенгайтириш лозим. Бунда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий иш юритишда қўлланиладиган далиллар ҳам киритилиши лозим.

Бундан ташқари, маъмурий қамоқ каби жазолар Конституциямиз билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилади.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш дастлаб узоқ вақтдан бери яхши ўрнатилган процессуал тизимлар: жиноят ва фуқаролик жараёнларига ўхшаш тарзда ишлаб чиқилган. Шу сабабли, ушбу турдаги ишларда далил ва исбот мазмуни деярли ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига биноан, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар фактик маълумотлардан иборат бўлиб, суриштирув органлари (мансабдор шахслари) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси бўйича жиноят предмети кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддасига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш бўйича далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши, бу адолат манфаатларини ҳар томонлама жинорий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Судлар тўғрисида”ги қонунига биноан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий

судлар фаолият юритади ҳамда уларнинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

Яъни, судларнинг адолатни таъминлашга қаратилган фаолияти деганда, нафақат жиноят ишлари бўйича судларнинг, балки, фуқаролик, иқтисодий, шунингдек маъмурий ишларни ҳал қилишдаги фаолияти ҳам тушунилади.

Далилларни қалбакилаштиришнинг муқобил мақсадларидан бири бу жиноят содир этишда била туриб иштирок этмаган шахсни жинорий жавобгарликка тортишдир. Натижада, далилларни сохталаштириш терговга қадар текширув, суриштирув дастлабки тергов органлари ва суднинг нормал фаолиятига халақит беради, шахсни ноқонуний жавобгарликка тортиш учун шароит яратади. Бу эса, адолат манфаатларини бузади.

Ушбу жиноятнинг кўшимча объекти сифатида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати, ишбилармонлик обрўси, мулкый ҳуқуқлар, жисмоний эркинлик ва бошқа шахсий ҳуқуқлар ҳаракат қилиши мумкин.

Тўғридан-тўғри далилларни қалбакилаштириш объектига фуқаролик иши учун муҳим бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, аниқланган фактлар тўғрисидаги маълумотлар, бундай маълумотни олиш манбасини ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Жинорий қалбакилаштиришнинг предмети – бу фақат жиноят ишига доир далиллар эмас, балки, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ишларга доир ҳар қандай далиллар ҳам бўлиши мумкинлигини эсдан соқит қилмаслик фойдадан холи эмас.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гуткин И.М. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Под ред. Б.А.Викторова. – М.: Юрид.лит., 1979. 87-б.; Пашкевич П.Ф. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Отв. ред. К.Ф.Гуценко. – М.:Юрид.лит., 1986. 87-б. (1. Gutkin I.M. Dokazatelstva v sovetskom уголовном protsesse // Sovetskiy ugovolnyy protsess: Uchebnik / Pod red. B.A.Viktorova. - M.: Yurid.lit, 1979. 87-p.; Pashkevich P.F. Dokazatelstva v sovetskom ugovolnom protsesse // Sovetskiy ugovolnyy protsess: Uchebnik / Otv. ed. K.F.Gutsenko. - M.: Yurid. lit., 1986. 87-p.)
2. Джатиев В.С. Общая методология и современные проблемы обвинения и защиты по уголовным делам. Автореф. дис. ...докт. юрид. наук. Владикавказ. 1995. 5-б.(Djatiev V.S. Obshchaya metodologiya i sovremennye problemy obvneniya i zashchity po ugovolnym delam. Autoref. dis. ...doct. jurid. nauk. Vladikavkaz. 1995. 5-b.)
3. Жиноят процесси (умумий қисм) З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 181-б.( Criminal Procedure (General Part) Z.F. Under the general editorship of Inogomjanova. Tashkent: Yangi asr avlodi, 2002. 181-p.)
4. Хожиев Н. К. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг шартлари ва хориз тажрибаси //jurisprudence. – 2020. – т. 1. – №. 1.( Xojiev N. K. Conditions of release and foreign experience in connection with the expiration of the sentence // jurisprudence. - 2020. - t. 1. - №. 1.)



# СПОРТ СОҲАСИДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Нуриддин МУРОТОВ,  
ТДНУ магистри

**Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, уюшмалари (спорт жамоалари, клублари, федерациялар, лигалар) ёлланма ишчи сифатида профессионал спортчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.**

Тан олиш лозимки, спорт фаолиятини, айниқса профессионал спортчилар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати кўнгилдагидек эмас. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган асосий меъёрий ҳужжат – «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига биноан профессионал спорт – спортнинг мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишга доир қисми бўлиб, спортчилар унда иштирок этганлиги ва уларга тайёргарлик кўрганлиги учун тегишли мукофот ва (ёки) иш ҳақи олади. Спортчи эса танлаган спорт тури ёки йўналишлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс бўлиб ҳисобланади.

Қонуннинг 25-моддасида “спортчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан меҳнат шартномаларини тузишга ҳақли” эканлиги белгиланган.

Профессионал спортчиларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, шунингдек халқаро ва миллий жисмоний тарбия ҳамда спорт ташкилотлари уставлари асосида ишлаб чиқилган ва тегишли спорт турлари бўйича Республика федерациялари билан келишган ҳолда профессионал жисмоний тарбия ва спорт уюшмалари томонидан тасдиқланган нормалар билан тартибга солинади.

Меҳнат шартномаси тушунчаси Меҳнат кодексининг 72-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Спорт фаолияти тўғрисидаги шартнома профессионал спортчи (тренер, мутахассис) ва жисмоний тарбия-спорт ташкилоти раҳбари ўртасида бўладиган ёзма шаклдаги келишув кўринишида меҳнат қонунчилиги асосида тузилади. Шундай экан, шартномада спортчининг мажбуриятлари, унинг ижтимоий ва тиббий суғуртага

бўлган ҳуқуқи, шартнома тузиш ва бекор қилиш тартиби акс эттирилиши лозим. Спорт фаолияти бўйича шартнома бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилоти эса спортчининг мусобақаларга тайёргарлик кўриши ҳамда қатнашиши, ўз вақтида тўловни амалга ошириши ва бошқа шартномада белгиланган қонунчиликка зид бўлмаган мажбуриятларни бажариши лозим бўлади. Спорт шартномаси шартлари меҳнат қоидаларини ўз ичига олмайди. Шу билан бирга спорт фаолияти тўғрисидаги шартномада меҳнат кодексига номаълум, профессионал спортнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли уни тузиш ва тугатиш учун алоҳида шартлар кўзда тутилиши ҳам мумкин.

Олимлар ва амалиётчилар ўртасида ушбу турдаги муносабатларни расмийлаштиришга қаратилган шартноманинг ҳуқуқий табиати масаласи анчайин мунозарали бўлиб қолмоқда. Мунозаранинг моҳияти шунда-ки, бунда шартномани меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий типдаги шартнома ёинки бутунлай янги турдаги ёки аралаш шартнома (контракт) деб ҳисоблаш масаласи ҳисобланади. Айрим олимларнинг фикрича, профессионал спортчилар ва спорт клублари ўртасидаги муносабатлар фуқаролик, меҳнат ёки аралаш шартномалар билан тартибга солинади. Бироқ, бошқалар эса, гарчи қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса-да бундай шартномаларнинг фуқаролик ҳамда меҳнат ҳуқуқи ва мажбуриятларини ўз ичига олувчи аралаш шартномалар деб аталиш тарафдорларидир.

Фикримизча, спорт ташкилотлари ва спортчилар ўртасидаги муносабатлар фуқаролик муносабатлари тоифасига кириши ва ушбу муносабатларга фуқаролик қонунчилиги татбиқ этилиши лозим. Профессионал спортчи ва спорт ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар соф меҳнат шартномаси тоифасига кирмаса-да, спорт-меҳнат шартномаси тоифасига тааллуқлидир. Чунки, бунда меҳнат шартномаси элементлари билан бирга фақат спорт соҳасигагина оид шартлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, шартномада меҳнат шартномасига хос бўлган “мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш” билан бир қаторда профессионал спорт соҳасига хос бўлган “спортга хос бўлмаган усулда ғалаба қозониш оқибатлари, ўйинлар натижалари учун

қимматбаҳо совғаларни қабул қилмаслик” каби талабларни ўз ичига олган аралаш шартнома шаклини ҳам олиши мумкинлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Агар масалага ҳуқуқий нуқтаи-назардан ёндошадиган бўлсак, профессионал спортчининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланган бир шароитда уни меҳнат қонунчилиги ҳам тартибга солади. Демак, спортчи ўз фаолиятдан фойда олишни кўзлаган ҳолда ҳаракат қилар экан, у бир вақтнинг ўзида ёлланма ишчи мақомини ҳам олиши лозим.

Шу сабабдан спорт фаолиятига оид шартноманинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат-ки, у меҳнат қонунчилиги асосида, ёзма шаклда тузилиши ва тегишли спорт федерациясидан рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унда спортчининг мажбуриятлари, унинг жисмоний ва тиббий суғуртаси, ушбу контрактни тузиш, бекор қилиш ҳамда бошқа шарт ва мажбуриятлар назарда тутилиши билан ҳам характерланади.

Бундай турдаги шартномаларга нисбатан турли давлатлар ўзгача ёндошганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Россия Федерацияси спортчига меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини бериш билан бир қаторда, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилишини инкор қилмайди. Қозғистон Республикасида спортчи, мураббий ёки жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассис ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартноманинг

фуқаролик ҳуқуқий характерда бўлиши назарда тутилган.

Белорусь Меҳнат кодексида эса, спортчи ёки мураббий билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланиши шарт бўлган мажбурий шартлар назарда тутилган бўлиб, у тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилиши ва фуқаролик ҳуқуқий характерда бўлиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бундай меъёрлар мавжуд бўлма-са-да, амалиётда, масалан, профессионал футбол клубларининг футболчилар билан тузган шартномалари Ўзбекистон Футбол Ассоциациясида мажбурий рўйхатдан ўтказилади.

Айрим мамлакатларда, жумладан Аргентинанинг амалдаги қонун ҳужжатларида спортчиларнинг мажбуриятлари сифатида шартномада маълум бир профессионал спорт тури бўйича бир жамоада ўйнаш мажбурияти, тўлиқ куч билан ўйнаш мажбурияти, жисмоний ва руҳий ҳолатини керакли даражада ушлаб туриш, спорт маҳоратини тинимсиз ва доимий такомиллаштириш мажбуриятлари акс этиши талаб этилади. Чунончи, профессионал спортчи – футболчи спорт фаолиятини амалга ошириши учун ўз маҳоратини ва психосоматик функцияларини сақлаб туриши ва яхшилаши шарт, унинг пасайиши ёки йўқолиши футболчининг айби билан мажбуриятларнинг қўпол тарзда бузилиши ҳисобланади. Мамлакатимиз қонунчилигида бундай талаблар мавжуд эмас. Фикримизча, бу соҳада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жудаям муҳим саналади. Чунки, соҳанинг ривожланишида ҳуқуқнинг роли кескин кучайтирилиши зарур. Бу ўз навбатида мақсадга муттасил интилиб бориш, яхши натижаларга эришиш, коррупция ҳолатларига йўл бермаслик ва бошқа қатор факторларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Энг муҳим масалалардан бири вояга етмаган ўсмирларни спортга жалб қилиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, айниқса, мукамалликни тақозо қилади.

Фуқаролик кодексининг 29-моддасига мувофиқ ўн тўрт ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёки васийлари тузиши мумкин.

**Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар майда маиший битимларни, чунончи:**

- текин манфаат кўришга қаратилган;
- нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган;
- қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф қилиш борасидаги битимларни мустақил амалга оширишга ҳақли бўлиб ҳисобланадилар.

*“Шуни ҳам билишни керакки, салтанат ишларининг бир қисми сабр тоқат билан бўлай. Яна бир қисми билб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солинган битур. (Жулае) баяқаришши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан еъни (шуни таъкидлаш лозимки) қатъийлик, сабр, чиданлик, соғлиқу-сериаклик, эҳтиёткорлик ва тижоат билан барча ишлар амалга оширилур.”*

**“Темур тузуклари”дан**

Гап шундаки, агар вояга етмаган спортчи билан мураббий ёки спорт ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномада аввало фуқаролик ҳуқуқий характердаги шартларни келишиб олишлари лозим бўлади. Бу дегани, бунда шартномани вояга етмаган болаларнинг номидан фақат уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузишлари керак. Бинобарин, терма жамоага спортчини тайёрлаш, уни мусобақага чиқариш, трансфер муносабатлари, иш берувчининг компенсация тўлаши, шартномани бир томонлама бекор қилиш асослари, шартноманинг мураббий ҳамда спортчи томонидан тўхтатилиши асослари ва шартлари кабилар батафсил ўз аксини топиши даркор.

Амалиётда шундай ҳолатлар бўлади-ки, вояга етмаган шахс билан шартнома тузмаслик ёки унинг манфаатларига зид равишда шартномада шартларни белгилаш, қолаверса спортчини мусобақаларга жалб қилиш шартларини келишиб олмаслик коррупция ҳолатларига йўл очиши мумкинлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу ўз навбатида узоқ йиллар давомида куч ва вақт сарфлаб келаётган спортчининг “бирдан” ғойиб бўлиб қолишига чек қўйган бўлар эди ва ҳ.к.


Яна бир масала. Тан олиш керак-ки, ҳозирги вақтда спортчиларнинг бир клубдан бошқасига ўтказилишини таъминлашда умумий қабул қилинган ёндошув мавжуд бўлиб унга кўра: спортчининг бошқа иш берувчига вақтинча топширилиши (спортчининг ижараси) бир йилдан ошмаган муддатга амалга оширилиши мумкин.

Спортчи профессионал спорт билан шуғулланишни давом эттириш учун вақтинча бошқа иш берувчига топширилганда, аввалги иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатиб турилади ва вақтинча ўтказилиш тугагандан сўнг янгиланади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, меҳнат шартномасини ҳаракатдан тўхтатиб туриш ёки янгилаш ходимнинг меҳнат шартномаси қаерда ва қандай сақланиши кераклиги каби механизмларнинг ҳали тартибга солилмаганлигидан дарак беради.

Бундан ташқари, спортчининг имиджидан фойдаланиш ҳуқуқини клубга ёки федерацияга топшириш, шунингдек спортчининг исмидан, фото ва видео тасвиридан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар фуқаролик-ҳуқуқий масалалар бўлиб, булар ҳам батафсил тартибга солинишга муҳтож.

Хулосамиз шуки, вояга етмаган болалар билан тузиладиган шартномалар, шунингдек спортчининг имиджидан фойдаланиш ҳуқуқини клубга топшириш каби шартноманинг намунавий шакллари яратиш зарур.

Фикримизча, вояга етмаган болаларни спортга жалб қилиш билан боғлиқ шартнома албатта аралаш шартнома тоифасига киритилиб, ўзида фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқий элементларини жамловчи, янги, мустақил шартнома сифатида майдонга чиқиши зарур.



Алқисса бунда биринчидан, шартнома тузиш жараёнида муайян тартиб таомилларга, қоидаларга риоя қилинишига олиб келса, иккинчидан, ушбу жараёнда ва ундан кейин юзага келадиган ва келиши мумкин бўлган низоларнинг олди олинади.

Шартнома тузиш ҳамма ҳолатларда ҳам тарафларнинг келишувларини расмийлаштириш ва уларнинг хоҳиш-истагини муайян шаклга келтиришни англатади. Бу жараён келгусида тарафлар қандай мажбуриятларни зиммаларига олаётганликларини ва қандай ҳуқуқларга эга бўлишларини аниқлаши билан бирга, тарафларнинг шартнома бўйича хатти-ҳаракатларини муддатлари, тартиби ва шартларини ифодалайди. Шу сабабли шартнома тузиш жараёнида тарафларга қанчалик эркинлик ва имтиёзлар берилишидан қатъий назар уни амалга оширишда жиддий ёндошув ва қонунчиликда белгиланган қоидалардан келиб чиқиб ҳаракат қилиш талаб этилади.

Спорт шартномаси меҳнат муносабатлари вужудга келганлигининг бирдан бир асоси бўлиб ҳисобланар экан, вояга етмаган спортчининг қабул қилиниши тўғрисидаги ариза ҳам ўз навбатида унинг ота-онаси ёки васийси томонидан ёзилиши зарур бўлади. Керак бўлса, бу ҳақда буйруқ чиқарилишининг мажбурий тарзда белгиланиши ҳам жудаям муҳим ҳисобланади.

Масаланинг яна бир ташкилий томони бор-ки, бу ўта муҳимдир. У ҳам бўлса давлат ва агентлар ўртасидаги муносабатларга дахлдор. Булар ўртасидаги муносабатларда шу нарса кўринади-ки, давлат ўзининг истиқболли ва ёш спортчиларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бир шароитда ёш спортчилар билан шартномалар тузишдан агент унча манфаатдор эмас. Чунки, у таниқли спортчилар билан ишлаганда кўпроқ ҳақ олади.

Кейинги масала бу спортчи ва агент ўртасидаги ахлоқий муносабатларга дахлдордир. Агент ёш, ҳали машҳур бўлмаган спортчи билан ишлар экан у бир неча босқичларни босиб ўтади. Вақт ўтиб, профессионал спортчи даражасига етганда бошқалар унга нисбатан қизиқади ва турли таклифлари билан спортчини ўзига оғдириши мумкин. Бу яхши, албатта. Аммо, агент ва спортчи ўртасидаги шартнома меҳнат шартномаси эмас, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлганлиги учун уни бекор қилиш бирмунча осон кечади. Шу сабабли ҳам бундай шартномаларни аралаш шартномалар турига киритиб, шартноманинг барча шартларини ҳам меҳнат, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий ҳақдан тартибга солишга эришмоғимиз лозим.



**Сугдиёна  
САМАТОВА,**

Тошкент  
давлат юридик  
университети  
талабаси

## МАШХУР ҲУҚУҚШУНОС АЁЛЛАР ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

*Шу кунга қадар, чет элларнинг машхур аёллари ҳақида ўқиб ўрганган эканману, аммо, ўзбек халқининг Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова ва Ҳалима Муҳитдинова каби 3 буюк аёли тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган эканман. Бунинг асосий сабаби улар ҳақида мактаб ва университет дарсликларида маълумот йўқлигидир. Яқинда мазкур уч машхур ўзбек аёллари тўғрисидаги маълумотларни Судялар олий кенгаши томонидан нашр этилган “Уч машхур ўзбек аёли” китобидан ўқидим. Ушбу китоб инсон салоҳияти учун катта фойдага эга деб ҳисоблайман. Унда баён этилган маълумотлар аниқ далиллар асосида келтирилган бўлиб китобнинг янада ўқишли бўлишига сабаб бўлган. Уни ўқиш жараёнида ўзимни худди ўша даврга тушиб қолгандек тасаввур қилдим. Ҳозир эса ушбу олма аёлларнинг ҳаётидан инсонга, аниқса, илм талабидаги ёшларга ўрнак бўладиган айрим воқеаларни келтириб ўтаман.*

Ёшлигиданоқ кўплаб тўсиқларга дуч келган Хадича Сулаймонова порлоқ келажагига бўлган умидини ҳеч қачон сўндирмаган. Аксинча, доимо ўзини ислоҳ қилишга, ўзлигини англашга, жамият орасида муносиб ўрин эгаллашга интилган. У томонидан яратилган амалиётни бугунги кунда издошлари давом эттиришарди. Юриспруденция соҳасидаги биринчи олима аёл ҳам айнан Хадича Сулаймоновадир. У тўғрисида нафақат ўзбек олимлари, балки, хорижий мамлакатларнинг таниқли шахслари томонидан ҳам илиқ фикрлар билдирилган. Уларнинг таъкидлашича: “Хадича Сулаймонова табиатдан оғир босиқ, хушмуомала, барчага ёрдам беришга қўлидан келганча ҳаракат қиладиган, адолат ўрнатувчи, ҳуқуқий онги ва тафаккури ривожланган аёл” бўлган.

Унинг ташаббуси билан суд-экспертизаси соҳаси тубдан ишлаб чиқилади ва 1958 йилнинг 24 январь куни “Тошкент суд экспертизаси илмий тадқиқот институти” ташкил этилади. Натижада Экспертиза маркази фаолият юрита бошлагач, тергов-суд ишларида ижобий ўзгаришлар юз беради. Мазкур марказ ҳозирда академик Х.Сулаймонова номи билан юритилади. Х.Сулаймонова қисқа умр кўрган бўлса-да, ўта жўшқин ва сермазмун ҳаёт кечирган. Ҳаттоки, ҳаётининг сўнгги кунларида ҳам “Менга ҳеч бўлмаса яна бир йилча умр керак, бир йил... илмий фикрларимни ёзиб қолдиришим учун” деган эди. Бошлаган ишларини яқунлаш мақсадида тугаб бораётган умрини ҳар дақиқасини илм-фанга бағишлашни истаган.

Энди эса эътиборимизни халқимизнинг яна бир олима ва раҳбар аёлларидан бўлмиш Мамлакат Восиқова ҳаётига қаратсак. Устози Х.Сулаймонова йўлини давом эттирган М.Восиқова қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва уларни қабул қилишда доимо етаткилар сафида бўлади ва шу билан бир қаторда 1964 йили никоҳ, оила, ер, сув ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган кодексларнинг қабул қилинишида ўз ҳиссасини кўшади.

Мамлакат Собировна касбига шу даражада меҳр ва кизиқиш билан ёндашади-ки, бирор-бир ариза ва ҳуж-

жатларни, атрофдаги муаммоларни эътиборсиз қолдирмайди. Ҳар бир вазиятга алоҳида муносабат билдиради ва ҳар қандай муаммога ечим топишга ҳаракат қилади. М.Восиқованинг ташаббуси билан суд экспертиза маркази учун давлат томонидан маблағ ажратилиб, янги асбоб-ускуналар ва замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Мамлакат Собировна нафақат меҳрибон она ва уй бекаси, садоқатли умр йўлдош сифатида юксак эҳтиромга эга, балки, ишдаги сафдошларига ҳам шу қадар меҳрибончилик кўрсатиб, уларнинг саломатликларини назорат қилиб турар, раҳбарлик даврида ҳам биринчи навбатда инсон ва унинг кадр-қимматини юқори ўринга кўярди.

Болгариядан Ўзбекистонга ўқув амалиётини ўтказиш учун ташриф буюрган бир гуруҳ талабалар Мамлакат Собировна билан суҳбат қилишга мушарраф бўлишади. Улар учун М. Восиқова доно ва билимдон аёл сифатида гавдаланади. — Аёл раҳбар айнан шундай бўлиши керак, — деган фикрларни билдиришади ва ўзлари учун ўрнак олишади. Мамлакат Восиқованинг мўътабар номи ЮНЕСКОнинг қарори билан Жаҳонга машхур аёллар рўйхати асосида тайёрланган китобга киритилади.

Уч машхур ўзбек аёлларидан яна бири бу Ҳалима Муҳитдиновадир. Уларнинг ҳаёт йўли ҳам ниҳоятда оғир ўтган. Буни мана бу маълумотлардан ҳам билиб олсангиз бўлади:

1940 йиллари атрофида Ўзбекистоннинг барча вилоятларига ҳозирги Украина, Белорусь ва Россиядан кўплаб оилалар кўчириб келтирилган бўлиб, баъзи бир босқинчи жиноятчилар ҳимоясиз кишиларнинг мол-мулкига тажовуз қилишар, уларнинг буюмларига эга чиқиш учун ҳаттоки, қотилликка ҳам қўл урар эдилар. 1942 йилга келиб бундай жиноятлар сони кўпайганлиги сабабли ташкил этилган суд мажлисларининг бирида Ҳ.Муҳитдинова давлат айбловчиси сифатида иштирок этади. Ёш ўзбек қизининг судда ўзини дадил тутиши, билимдонлиги, нотиклиги барчани лол қолдиради. Унинг сўзларини олқишлар билан кутиб олишади. Суд мажлислари ўз са-

марасини бериб, мазкур тоифадаги жиноятлар камайиб боради.

Натижада Ҳалима Муҳитдинованинг обрў-эътибори халқ орасида кундан-кунга ортади. 1943 йилдан эса хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ўринбосар лавозимида иш бошлайди. Уруш даврида бу соҳада ишлашнинг ўзи осон бўлмай унинг зиммасига қишлоқ хўжалигининг асосий кучига айланиб қолган хотин-қизларни бошқариш ва тўлиқ назоратга олиш вазифаси юклатилади. Қатъият кўрсатгани туфайли хотин-қизлар билан ишлаш масаласида ҳам ижобий ўзгаришлар юз беради. Оқибатда қулай шарт-шароитлар яратилиб иш унумдорлиги ортади.

1944 йил Ховос тумани (Сирдарё вилояти)да хавfli юқумли касаллик пайдо бўлиб ҳар куни ўнлаб одамларнинг ёстигини қурита бошлайди. Касалликнинг олдини олиш мақсадида Ҳ.Муҳитдинова ўзини аяб ўтирмасдан уйма-уй кириб, беморларнинг ҳолидан хабар олади, ҳолатини ўрганadi. Унинг ташаббуси билан Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларидан шифокор ва ҳамширалар Ховосга етиб келади. Ҳаттоки, кўшни давлатлардан ҳам ёрдам кучи чақирилади ва бироз вақт ўтгандан сўнг ҳолат нисбатан яхшиланади.

Республика Олий судининг одил судловни амалга ошириш учун янги бинога эҳтиёжи мавжудлиги сабабли Х.Сулаймонова ва Ҳ.Муҳитдинова: “Олий суд учун махсус бино қурилмаса бўлмайди у оддий бино эмас, балки, адолат қарор топадиган, мухташам бир бино бўлиши лозим”, деган хулосага келишади. Ва уларнинг ҳаракатлари натижасида 1977-йилга келиб Олий суд барча шароитлари муҳайё бўлган бинога кўчиб ўтади.

Х.Сулаймонова, М.Восиқова ва Ҳ.Муҳитдинова каби шахс бўлиш ҳар бир ҳуқуқшунос учун ҳам ҳавас, ҳам орзу деб ўйлайман. Улар эгаллаб турган лавозимига ёки обрў-эътиборига қарамасдан одамийлик туйғуларини ҳеч қачон унутишмаган. Билим ва иқтидорини ҳар соҳада бирдек намоён қилишган. Улар ҳақида маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак нафақат раҳбарлик лавозимида фаолият олиб боришга вақт ажратишдан, балки, оилада ҳам фаол бўлишган.

Ёш авлодни тўғри тарбиялаш келажакнинг калитидир. Х.Сулаймонова, М.Восиқова, Ҳ.Муҳитдиновалар ҳақида китобларда, ижтимоий тармоқларда маълумотлар кам эканлиги улар ҳақида ўқиб-ўрганишни истаганлар учун бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Шу сингари камчиликларни бартараф этиш учун бошқа аллома-ю аждодларимизнинг ҳаёт йўли, илмий меросига бағишлаб турли хил танлов ва фестиваллар ташкил этилса уларнинг ҳаёт йўлига доир алоҳида китоб нашр қилинса айни муддао бўларди. Шунингдек, барча ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга буюк аждодларимизнинг шахси тўғрисида қисман бўлса ҳам маълумот бериб борилса, ёшлар ўртасида олимлар ҳақидаги билимларини синаш мақсадида мусобақалар ташкил этилиши тўғри деб ҳисоблайман. Бу каби интеллектуал ўйинлар биз ёшларнинг ҳуқуқий онгимиз, маданиятимизни янада бойитишга хизмат қилиб, зарур сабоқларни эгаллашимизда қўл келади. Булар эса, вақти келиб ўз самарасини беради.

## ЎЗБЕКНИНГ МЎЎТАБАР АЁЛЛАРИ

**Донишманд халқимиз азалдан хотин-қизларга миллатнинг давомчилари сифатида қараб, уларни ҳамшира ардоғида асраган, эъзозлаган. Аёллари қадрланган юртнинг бугуни ҳам, келажаги ҳам фаровонликка юз тутган. Аёлнинг чексиз меҳри билан бутун олам эзгуликларга бурканади.**

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш Тараққиёт стратегиямизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу шунчаки қуруқ гап эмас, балки амалий ҳаракатга айланиб улгурди. Натижада биргина ўтган 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилган бўлиб, бунга мамлакатимиз бюджетидан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Хусусан, 18 мингга аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Фақатгина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар берилиши эвазига 320 мингдан ортиқ хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлишган. Бундай статистик маълумотларни жуда кўплаб давом эттириш мумкин.

Оила тимсоли саналган аёлларимизнинг кечаги тарихимизда ҳам бугунги кунда ҳам жамият тараққиёти учун муносиб ҳиссаларини кўшиб келаятганликлари, айни ҳақиқат. Давлат органлари бошқаруви тизимида самарали фаолият юритиб элу-юртнинг меҳрини қозонган, обрў-эътибор топган аёл раҳбарлар ҳам жуда кўплаб топилади. Суд органлари тараққиётига катта ҳисса қўшган Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова, Ҳалима Муҳитдиновалар мана шундай машҳур аёллар сирасига киради.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз орасида турли соҳа вакиллари, хусусан, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, сенат аъзолари ва депутатлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари борлиги ниҳоятда қувонарли ҳол.

Айни пайтда суд тизимида 200 га яқин аёл судьялар бўлиб, 26 нафари раҳбарлик лавозимида тайинланган. Улар судьяликдек ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли вазифани адо этишиб, мамлакатимиздаги одил судловни амалга оширишда фаол иштирок этиб келишмоқда. Бугун амалиётда ишлаётган аёл судьяларимиз юқорида мўътабар номлари санаб ўтилган яқин тарихимиздаги ўша машҳур аёл дарғаларнинг муносиб шогирдлари эканликларини эътироф этиш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улугвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз Ватанинг, миллатнинг фахридир.

**Яшин НИЁЗОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Когон шаҳар суди раиси.



**Шокиржон  
МИРЗАМАТОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

## БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЭҲТИЁЖИ

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш борасида ишларнинг жадал амалга оширилиши фуқаролик ва иқтисодий судларда суд буйруғи тартибида иш юритишни рақамлаштириш, яъни автоматлаштирилган электрон тизимга ўтказиш вақти келганлигини билдиради.**

2020 йилда иқтисодий судларда суд буйруқларини бериш билан боғлиқ жами 1340 та, 2021 йилда 1080 та ишлар кўриб чиқилган. 2020 йилда жами иқтисодий судларда кўрилган ишларнинг 1,3 фоизини, 2021 йилда жами кўрилган ишларнинг 0,6 фоизини судларда суд буйруқларини бериш билан боғлиқ ишлар ташкил этган.

Бу кўрсаткич Фуқаролик судларида 2020 йилда кўрилган жами 291 132 та ишлардан 96 584 тасини ёки 33,2 фоизини, 2021 йилда мазмунан кўриб чиқилган 518 087 та ишлардан 166 812 тасини яъни, 32,2 фоизини ташкил этган.

Суд буйруғига сарфланадиган қоғоз ҳамда вақт сарфини таҳлил қилганимизда ушбу тизимни автоматлаштириш шарт эканлигига шубҳа қолмайди. Негаки, 2021 йил давомида буйруқ тартибида юритилган ишларнинг ҳар бирига шартли равишда 10 варақдан қоғоз сарфланади деб ҳисоблайдиган бўлсак жами сарфланган қоғоз учун ўртача 134 320 000 сўм маблағ зарур бўлиши аён бўлади.

Агар буни вақт нуқтаи назаридан баҳоласак суд тартибида буйруқ бериш ҳақидаги ариза келиб тушганидан то суд буйруғи берилиб, тўпланган ҳужжатлар йиғма жилди ҳолатига келтирилгунча шартли равишда суд ходими ва судья томонидан сарф қилинган вақтни 1 соат деб ҳисоб-китоб қилсак, иқтисодий ва фуқаролик судларида 167 892 та буйруқ тўғрисидаги ишларга сарф этилган вақт 167 892 соатни ташкил этади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибди-ки, суд буйруғи тартибида иш кўриш фуқаролик ишлари бўйича судларда сезиларли ўринни эгаллаб турибди.

Маълумки, ҳозирги замонавий суд-ҳуқуқ тизимида Германия тажрибаси кўплаб романо-герман ҳуқуқига асосланган ривожланган давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Мазкур давлатда суд буйруғига оид ишларнинг автоматлаштирилган электрон тизимга ўтказилганлиги эса алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хусусан, Германияда суд буйруғи тартибида иш юритиш қоидалари «умумий немис қонуни»га асосланган. Буйруқ тартибида иш юритишнинг ягона тартиби 1877 йилда Германия Фуқаролик процессуал кодексининг кучга кириши билан жорий қилинган. XX асрнинг 60-йиллари охирида Германияда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризаларнинг доимий равишда кўпайиб бориши мазкур тартибда иш юритиш ўзига юклатилган функцияларни бажара оладими? – деган саволни туғдирган эди.

Айнан шу ҳолатлардан келиб чиқиб, суд буйруғи тартибида иш юритиш самарадорлигини ошириш мақсадида, 1974 йилда Баден-Вюртемберг земелининг адлия бўлими

томонидан суд буйруғи тартибида иш юритишни автоматлаштириш тизимига ўтказиш масаласи юзасидан кенгайтирилган тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тадқиқотлар ўзининг яхши самарасини берганлиги сабабли Адлия вазирлигининг топшириғига кўра, дастлаб ушбу тартиб 1982 йил 1 октябрдан бошлаб Штутгарт шаҳрининг ҳудудий судида амалиётда синовдан ўтказилиб, тизим дастлаб шу судда йўлга қўйилди.

2007 йил 1 майдан бошлаб Германия федерал судларида буйруқ тартибида иш юритиш тўлиқ автоматлаштирилган тизимга ўтказилди.

**Мамлакатимизда суд буйруғига оид ишларни автоматлаштирилган тизимга ўтказиш қуйидаги бир қанча афзалликларга эга:**

— биргина 2021 йилдаги ишлар таҳлилида кўринганидек, 134 млн. сўмлик қоғоз тежалган бўлади;

— тарафларнинг низоси мавжуд бўлмаган суд буйруғи тартибидаги ишларга сарф қилинаётган судьяларнинг вақти низоли ишларни мазмунан кўриш учун қаратилишига эришилади. Мисол учун, 2021 йилда Тошкент туманлараро иқтисодий судида жами 111 та шундай ишлар кўрилган бўлиб, судьяларнинг 0,8 кун, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳридаги туманлараро судларида кўрилган 23 980 та шу тоифадаги ишларга судьялар томонидан ўртача 68 кун сарфланган.

— судларда иш ҳажмининг камайишига сабаб бўлади ва судлар фақат низоли масалаларнигина ҳал қила бошлайди;

— мазкур ишларга судьялар аралашуви шарт ҳисобланмайди, ишларнинг ҳал этилиши девонхона ходими томонидан автоматлаштирилган ва махсус дастурланган аппарат орқали кузатиб борилиши етарли бўлади;

— суд буйруғига оид ишларни юритиш муддати 10 кундан 5 кунга қисқаради.

— ариза ва бошқа ҳужжатларни почта орқали юборишига зарурат қолмайди, бу соҳадаги почта харажатлари тежаллади.

Суд буйруғи тоифасидаги ишларга оид ўзаро низолар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, гарчи илмий исботланган бўлмаса-да турли фикрлар мавжуд, хусусан айрим тарафлар суд буйруғи юритишни нотариусларга ўтказиш керак деган фикрни, айримлар эса мазкур тоифадаги ишларни низо бўлмаганлиги боис адлия тизими ходимларига ўтказиш ҳақидаги фикрларни илгари сурадилар.

Бизнинг-ча, суд буйруғининг автоматлаштирилган тизимга ўтказилиши энг маъқул усул саналади.

## СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАР ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

**Суд томонидан чиқарилган ҳар бир қарор Ўзбекистон Республикаси номидан эълон қилинади. Бу эса қарорни қабул қилган судьядан кучли билим, донишмандлик, адолат ва ҳаққонийлик сифатларини талаб этади. Суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг муҳим кўри-нишларидан яна бири – бу судьяларни танлаш ва лавозимига тайинлашдир.**

Шу мақсадда судьялик лавозимларига номзодларни малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан очиқ ва демократик тарзда танлаш, шунингдек раҳбар-судьялик лавозимларига тавсия бериш ва судьялар корпусини шакллантириш янгидан ташкил этилган Судьялар олий кенгашининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Бу жараён 1985 йил 29 ноябрдаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқуланган Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари тўғрисидаги ҳужжатга тўлиқ мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига киритилган ўзгартиришларга кўра, судьялар биринчи марта беш йиллик, кейинчалик ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда тайинланади ёки сайланади.

Илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида илк бор судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти ҳам жорий қилинди.

Номзодларни танлашда Судьялар олий кенгаши томонидан суҳбат ўтказиш, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлаш, билим даражасини аниқлаш учун электрон сўров дастуридан фойдаланиш каби белгиланган тартибда турли ўрганиш усулларидан фойдаланилади. Судьялик лавозимига номуносиблиги туфайли рад этилган номзод бир йил ўтгач, бўш судьялик лавозимини тўлдириш учун эълон қилинган танловда иштирок этиши тўғрисидаги ариза билан Судьялар олий кенгашига такроран мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Судьялик лавозимларига номзодларни, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқий маданият даражаси фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. Ҳуқуқий маданият – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи ҳамдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Судлар тўғрисида”ги қонунига асосан, судьялар одил судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқла-

надиган манфаатлари билан боғлиқ фуқаролик, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўради. Бу ўз навбатида, судьядан чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлишни ва ишларни кўриб чиқишда мавжуд билим ҳамда амалий кўникмасини беғараз, ҳолисона ва тўғри қўллай олишини тақозо этади.

Судьяликка номзодларни касбга тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбарлик лавозимларига қайта тайёрлаш тизимини хорижий тажрибага таянган ҳолда такомиллаштириш, таълим жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, суд соҳасида ихтисослаштирилган кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайёрлаш ва судьяларнинг малакасини ошириш ишларини янада такомиллаштириш учун бу жараёнларда иштирок этувчи Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Судьялар олий мактаби ва олий юридик ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Одил ЭГАМБЕРДИЕВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси

*Яна тажрибандан ўтказдилик, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан еўзда собит, иттифидан бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор итти қилмасликка еўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўлмасинлар.*

“Темур тузуклари”дан



**Анвар ЖУМАЕВ,**  
Судьялар олий мактаби  
тингловчиси

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК, ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

*Меҳнат муносабатларининг асосини ташкил этувчи шартнома ҳуқуқининг умумий тамойилига асосан меҳнат шартномаси ва бошқа шартномалар тарафларининг ҳар бирига шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида бошқа тарафга етказилган зарар учун жавобгарлик юклайди.*

Меҳнат шартномаси тарафларининг ушбу шартнома шартларини бажариш мажбурияти меҳнат қонунчилигининг асосий тамойилларидан биридир, меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномаси тарафларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш (улар бузилган тақдирда) жавобгарлик чоралари билан таъминланади. Буни меҳнат шартномаси тарафлари ҳисобланган иш берувчи ва ходим моддий жавобгарлигининг юзага келиши учун меҳнат шартномасининг мавжудлиги, ушбу муносабат иштирокчилари фақатгина меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиши, жавобгарлик меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларининг бузилиши натижасида юзага келиши билан изоҳлаш мумкин.

Меҳнат қонунчилигидаги моддий жавобгарлик Меҳнат кодексининг 185-моддасида кўрсатилганидек “меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди”, шу сабабли ушбу жавобгарлик бошқа жавобгарлик турларидан фарқли ўлароқ, меҳнат шартномаси тарафларининг жавобгарлиги ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 186-моддасига кўра, “меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли ҳулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади” деб кўрсатилган. Шу ўринда таъкидлаш керак-ки, меҳнат шартномаси тарафларининг жавобгарлиги уларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам вужудга келишини инобатга олиб, юқоридаги моддани “меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли ҳулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида ва зарар етказувчи тарафнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатда бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги бўйича субъектлар бир томондан жисмоний шахс, иккинчи томондан юридик шахслар бўлганлиги, улар иқтисодий ва бошқа имкониятларда тенг эмаслиги сабабли меҳнат муносабатларида иш берувчининг ходимларга нисбатан иқтисодий ва бошқа жиҳатдан имконияти кенгроқдир. Шу сабабли қонунда улар ўртасидаги моддий жавобгарликда фарқлар мавжуд, яъни ходимлар чекланган моддий жавобгарликка тортилса, иш берувчилар тўлиқ моддий жавобгар бўлади, шунингдек ушбу жавобгарлик юзага келганда ходим иш берувчига бой берилган фойдани қопламайди.

Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги нафақат қонун ҳужжатларида, балки, меҳнат шартномасида ёки унга илова қилинган бошқа шартномаларда ҳам назарда тутилиши мумкин. Шу билан бирга, Меҳнат кодексиди шартномалар бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ушбу Кодексда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак деб белгиланган.

Меҳнат муносабатлари вужудга келиб давом этиб турган вақтда ёки тугатилгандан кейин, меҳнат шартномаси тарафларига моддий зарар уларнинг амалдаги меҳнат ва бошқа қонунчилик нормаларини бузиши ёки тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда юзага келади. Меҳнат шартномаси тарафлари моддий жавобгарлиги билан боғлиқ низолар пайдо бўлишининг асосий сабаби, тарафларнинг амалдаги меҳнат ва бошқа қонунчилик нормаларини билмаслиги ёки бузишидир.

Меҳнат шартномаси тарафлари моддий жавобгарлиги билан боғлиқ низолар иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ходим ёки иш берувчи билан меҳнат муносабатлари тугаган ходим ўртасидаги низо ҳисобланади. Ушбу низоларда судлар ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан биргаликда мулкдорнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим. Судлар томонидан бундай низоларни кўришда амалдаги қонунларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур мазмундаги низолар бугунги кунда фуқаролик судлари томонидан кўриб ҳал қилинаётган низолар бўлганлиги ва ушбу низоларни кўриб чиқишда моддий ҳамда процессуал нормалардан бир хилда фойдаланилаётганлигини ҳисобга олиб, бундай низоларни кўриб ҳал қилиш учун махсус кодекс қабул қилиш кераклиги кўпчилик олимлар томонидан билдирилган.

Юқоридагиларга асосланиб ҳулоса қилиб айтганда, судлар меҳнат шартномаси тарафлари моддий жавобгарлиги билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги вужудга келишининг асосий шarti сифатида меҳнат шартномаси тарафлари (ходим ва иш берувчи) ўртасида меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг мавжудлигини аниқлашлари лозим бўлади. Бундан ташқари судлар томонидан меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ низоларни ўз вақтида, қонун нормаларига амал қилган ҳолда кўриб чиқиб ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ости ҳужжатларидан, шунингдек, Олий суд Пленум қарорларида кўрсатиб берилган тушунтиришлардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.



# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

*Халқаро тажрибадан маълум-ки, давлат хизматчилари учун стандарт таъқиқлаш, чеклаш ва низомлар барча ривожланган мамлакатлар қонунларида мавжуд. Қуйида бир неча давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора ва услублари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.*

**Хусусан, Голландияда коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш тизими қуйидагича шаклланган:**

- ички ишлар вазири ҳар йили парламентга коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

- коррупция учун жазонинг асосий чораси давлат ташкилотларида ишлашни таъқиқлаш ва барча ижтимоий имтиёزلардан маҳрум қилишдир. Жазолар қўлама жарималар ва хизматдан четлаштиришни ҳам ўз ичига олади;

- коррупцияга мойиллик нуқтаи назаридан лавозимларга шахсларни танлаш тизими ташкил этилган.

Германияда, аниқ вазибаларидан қатъи назар, давлат хизматчилари ўз вазибаларини холисона ва адолатли равишда бутун жамият манфаати учун бажаришлари шарт. Давлат хизматчиси хизмат вазибаларини бажаришда ўз хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги учун тўлиқ жавобгар бўлади. Коррупцияга қарши курашнинг долзарб муаммоси – расмий сирларга риоя қилиш. Германияда давлат хизматчиси хизмат муддати тугагандан сўнг ўзига маълум бўлган маълумотлар ва фактларни сир тутиши шарт. Давлат хизматчиси руҳсатсиз бундай ҳолатлар тўғрисида ҳатто судда ҳам гувоҳлик ёки кўрсатма беришга ҳақли эмас.

Мазкур мамлакатда давлат хизмати билан боғлиқ ортиб бораётган талаблар ва чекловлар тегишли давлат маоши ва бошқа тўловлар билан қопланади. Иш жойининг барқарорлиги ва лавозимнинг кўтарилиши муносиб турмуш даражасини кафолатлайди.

АҚШ қонунлари давлат хизматини «қарзни виждонан бажаришга ҳалақит берадиган ҳар қандай шахсий ёки бошқа молиявий манфаатлардан маҳрум қилувчи фаолият соҳаси» деб билади.

Давлат хизматчилари молиявий операцияларда иштирок этмасликлари лозим. Ходимларга бирон-бир шаклда расмий таклифларни рағбатлантириш ёки бирон-бир расмий ҳаракатлар талаб қиладиган, ўзлари билан умумий иш олиб борадиган ёки ўзи фаолият юритадиган орган томонидан тартибга солинадиган совғаларни қабул қилиш ман этилади. Ходимларнинг вазифаси «эътиборга олинган барча суиистеъмолликлар ва коррупция ҳолатлари тўғрисида» тегишли органларга хабар беришдир.

2007 йил Хитойда коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат идораси ташкил этилди. Бўлимнинг вазибалари сифатида коррупция сабабларини ўрганиш, йўқ қилиш усуллари таҳлил қилиш, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларидан фойдаланишини мониторинг қилиш, маъмурлар ва пора берувчиларнинг жазодан қутулишларига имкон берадиган бўшлиқларни бартараф этиш учун мавжуд қонунларни ўрганиш белгиланган.



**Азизбек БЕГМАТОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
тингловчиси

Амалда ўзининг самарадорлигини исботлаган коррупцияга қарши кураш усулларида бири бу Хитойнинг барча давлат органларида кадрларни алмаштириш сиёсатидир.

**Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, шуни айтиш мумкин-ки, коррупцияга қарши курашиш жараёни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ. Бунда:**

**биринчидан,** одамлар онгида ҳуқуқий тушунча, тасаввур, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларгина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг турли соҳалари (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий амалиёт, суд, суд жараёни, жазо тайинлаш, адлия органлари хизмати, прокуратура ва бошқалар) ҳақида ҳам тушунча бўлиши;

**иккинчидан,** давлат хизматчиларини қисқартириш масаласида ҳам аниқ кўрсаткичлар ва мақсадларни белгилаб олиш ҳамда ихчам ҳукумат тушунчаси бутун давлат бошқаруви тизимига татбиқ этилиши керак. Қисқартириш эвазига тежалган қўшимча маблағлар ишлаётган ходимлар маошини оширишга қаратилиши;

**учинчидан,** нодавлат секторни кучайтириш орқали хусусий сектор бажариши мумкин бўлган соҳаларда умуман давлат идораларини ташкил қилмаслик ва борларининг ҳам ваколатларини белгиланган аниқ муддатларда хусусий секторга ўтказиб юбориши;

**тўртинчидан,** аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, коррупция омилларини аниқлаш, коррупция хавф-хатарларини бошқариш ва уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш борасида олий таълим муассасалари ўқув жараёнига «Коррупцияга қарши хулқ-атвор стандартлари» фанини жорий этиш;

**бешинчидан,** республика миқёсида, ҳудудлар ва алоҳида бўлимларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга масъул бўлган мутахассисларни тайёрловчи, уларнинг махсус билим ва кўникмаларини ривожлантиришини таъминловчи, мансабдор шахсларга коррупциянинг зарарли оқибатларини тушунтирувчи мунтазам равишда мажбурий ўқитиш учун таълим тизимини яратиш ва давлат хизматчиларининг касбий маҳоратини ошириш, коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш йўли билан давлат бошқарувини самарадорлигига эришиш мақсадида ротация (алмаштириш) усулидан фойдаланиш ва давлат хизматчиларини ротация қилишининг ҳуқуқий асослари ва молиявий-иқтисодий механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ.



**Баходир  
КУРБОНОВ,**  
Судьялар  
олий мактаби  
тингловчиси

# СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

**Судланганлик – бу шахснинг илгари содир этган номуносиб хулқ-атвори, салбий хатти-ҳаракати ижтимоий хавfli муносабатларга зарар етказиши ёки шундай зарар етказиш хавfli остида қолдириши ва жазо тайинланиши натижасида юзага келадиган ҳуқуқий оқибат ҳисобланади. Бу бўйича Жиноят кодексининг 77-моддаси 1-қисмида судланганлик шахснинг содир этган маълум бир жинояти учун ҳукм қилинганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат деб таъриф берилган. Фақат суд томонидан ҳукм қилинган, шахсгина жазо тайинланган ва қонуний кучга кирган ҳукм бўйича судланган ҳисобланади. Бошқа ҳолатларни қонун чиқарувчи судланганлик сифатида баҳоламайди ва бу билан боғлиқ барча ҳолатларни инкор этади. Шу билан бирга, суд томонидан тегишли тартибда жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.**

Айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади. Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтмасдан шахс янги жиноят содир этса, олдин судланган шахс томонидан жиноят содир этилган ҳисобланади ва бунда қонун мазмунига кўра, жиноят қасддан содир этилганлиги ёки эҳтиётсизликда содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Шахс ЖКнинг 78-моддасида кўрсатилган муддатлар мобайнида судланган ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Жиноят кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида белгиланган. Жумладан:**

- шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб;
- мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;
- жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;
- озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтгач;
- беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;
- беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;

➤ ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач шахснинг судланганлик ҳолати тугалланади<sup>2</sup>.

Шахснинг судланганлик ҳолати муддати давомида яна жиноят содир этиши айбдорнинг қилмишини ЖКнинг муайян бир моддаси (модданинг огирроқ қисми) билан малакалаш, рецидив жиноят деб ҳисоблаш, жазони тайинлаш вақтида огирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш, жазони ўташ колониясини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Тергов органлари ва судлар жиноят ишларини кўришда шахснинг жарима жазоси тайинлангандан сўнг жиноят содир этганлиги ҳолатларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бунда шахснинг судланганлик ҳолати тайинланган жарима жазоси ижро этилган кундан бошлаб, бир йил муддат ўтиши шарт эканлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Худди шу тарзда, шахс муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини ҳам тегишли тартибда ўтаганидан кейин бир йил ўтгач, унинг судланганлик ҳолати тугалланади.

Бироқ, амалиётда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахснинг янги жиноят содир этган ҳолларда судланганлик ҳолатини ҳисоблашда бир қатор муаммоларни учратиш мумкин. Хусусан, ЖКнинг 73-моддаси 1-қисмига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин. Мазкур модданинг 5-қисмида эса жазони ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган

қоидаларга мувофиқ, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда тегишли жазо тайинланиши белгиланган.

ЖКнинг 80-моддасида агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо энгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати шахс муддатидан илгари озод қилинган ёки энгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши кўрсатилган. Мазкур қонун нормаларидан келиб чиқиб, бир ҳолатни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, суд томонидан шахс ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган. Мазкур судланувчига нисбатан ушбу жинояти учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Маҳкум яшаш жойидаги тегишли ҳудудий ички ишлар органлари пробация хизматида рўйхатга олиниб, жазонинг бир йил муддатини белгиланган тартибда ўтагач, суд томонидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган икки йил муддатдаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Маҳкум муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган пайтдан бир йил ўтиб, талончилик жиноятини содир қилган. Мазкур ҳолатда шахсга нисбатан фақатгина талончилик жинояти учун ёхуд талончилик билан бирга ЖКнинг 60-моддаси тартибда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш лозимлиги борасида амалиётда турлича фикрлар ва қўллаш ҳолатлари мавжуд. Мазкур ҳолатда ЖКнинг 73 ва 80-моддалари ўртасида зиддият борлиги кўринадди. Жиноят қонунида жазони амалда ўташ ҳақида аниқ таъриф берилмаган. Айримлар жазони амалда ўташ деганда, шахс суд томонидан тайинланган жазони ҳақиқатда ўтаган вақти, мисол учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосида иш ҳақининг маълум фоизлари давлат даромадига ушлаб қолинган даврни тушунишади. Баъзилар эса шахс ўтаган жазо муддати билан бирга жазони ўташ

муддатидан илгари озод қилинган муддатни ҳам жазони амалда ўташ муддати деб ҳисоблашади. Бу борадаги масалага ойдинлик киритиш мақсадида Олий суд Пленумининг қарорларига эътибор қаратамиз. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарорида жазонинг ўталмаган деб ҳисоблаш асослари кўрсатилган бўлиб, улар орасида маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилганда — жазонинг маҳкум ўтамай қолган қисми ҳам киритилганлигини кўриш мумкин<sup>3</sup>. Шу билан бирга, Олий суд Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарорида Жиноят кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, шунингдек, жазоси энгилроғи билан алмаштирилган (ЖК 73, 74-моддалари) шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши масаласини ҳал этишда суд томонидан белгиланган жазо муддатидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган пайтга қадар амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиқиш лозим. Бунда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсга нисбатан ЖКнинг 73-моддаси қўлланилган пайтдан, жазоси энгилроғи билан алмаштирилган шахсга нисбатан эса — ЖКнинг 74-моддасига мувофиқ белгиланган энгилроқ жазо ўталган пайтдан бошлаб ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган<sup>4</sup>. Шунга кўра, юқорида баён қилинган мисолда айбдор шахсга нисбатан талончилик билан бирга ЖКнинг 60-моддаси тартибда жазо тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридаги ҳолатларда амалиётда муаммолар пайдо бўлаётганлиги туфайли Жиноят кодексининг амалдаги 80-моддаси 2-қисмини ўзгартириш зарурияти мавжуд. Мазкур нормани агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган бўлса, мазкур муддат тугагач, судланганлик муддати ҳисобланиши, шунингдек жазо энгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати энгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисоблаш тарзида баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Мен яна ташрибданга  
кўрдим-ки, ғаним лашкарини  
еним қўшинининг кўпчили,  
наҳаб бўлиш эса сипоҳи-  
нинг камлигидан бўлмайдди.  
Ба.ки, ю.шб бў.лноқ.лик  
(тангриининг) нагади ва бан-  
дасининг тадбири биландир.*

“Темур тузуклари”дан

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Усмоналиев М. — Т., «Янги аср авлоди», 2005 615-б;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
3. Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарорининг 56-банди;
4. Олий суд Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарорининг 9-банди.



**Карима  
РАЖАБОВА,**  
Тошкент давлат  
юрidik университети  
магистратура  
босқичи талабаси

# САЙЛОВГА ОИД НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: КЕЧА ВА БУГУН

*Демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири бундай давлат фуқаролари учун қонунийлик ва адолатлилик тамойилларига йўрилган сайлов ҳуқуқларининг мавжудлиги ва уларни ишончли ҳимоя қилиш механизмининг кафолатланганлигидир. Мана шундай ҳуқуқни таъминлашнинг бир йўли сайлов комиссиясининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш бўлиб, бу орқали фуқаролар ўзининг бузилган сайлов ҳуқуқларини тиклаш имкониятига эга бўлишади.*

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ёки қарорлар юзасидан низоли ишларнинг суд томонидан кўрилишини тартибга солувчи қонунчилик ривожини қуйидаги асосий босқичларга ажратиш мумкин:

биринчи босқич сифатида совет даври олишимиз мумкин.

1936 йилда СССР Конституциясининг қабул қилиниши билан биринчи марта фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими яратилди. Унда фуқароларга сайловчилар рўйхатини нотўғри шакллантирганлик устидан судга шикоят қилиш ваколати берилди.

Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳам фуқароларнинг сайлов (10-боб) ва фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи (56-моддаси) ўрнатилди. Жумладан, 56-моддага асосан, фуқаролар мансабдор шахслар, давлат ва жамоат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши керак.

Совет даврида фуқароларнинг мансабдор шахслар, давлат ва жамоат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиши 1987 йил 30 июнда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган ноқонуний қарорлар ва хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиш тартиби тўғрисида» ги СССР қонуни ҳамда Ўзбекистон ССРнинг «Фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган ноқонуний қарорлар ва хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиш тартиби тўғрисида» ги Қонуни асосида ҳам кафолатланган. Аммо сўз юритилаётган ушбу даврда сайлов комиссиялари мазкур қонунлар субъекти бўла олиш масаласи ҳам бор. Олимларнинг фикрига кўра ушбу қонун асосан умумий характерга эга бўлиб, унда, ижро этувчи ҳокимият органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларига эътибор қаратилган. Бундан ташқари, собиқ СССРнинг ҳеч бир қонунчилигида сайлов комиссияларининг мақоми ўрнатилмаган, ушбу орган сайлов жараёнларига масъул эканлиги белгиланган бўлса-да, давлат органига кириш ёки кирмаслиги белгиланмаган. Бу эса юқоридаги қонунларнинг сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан қўлланилишини истисно қилиши мумкин.

Совет даврида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини судга ҳимоя қилишнинг процессуал тартиби ҳам ўрнатилган бўлиб, бу 1964 йилда қабул қилинган РСФСРнинг Фуқаролик процессуал кодексига ўз аксини топган. Лекин бу қо-

нунда сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал тартиби 23-бобида келтирилган учта норма билан чекланиб, у ҳам сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорларига дахл қилмайди.

Иккинчи босқичга Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб, 2017 йил 1 июнь маъмурий судлар ташкил этилгунга қадар бўлган даврни киритсак бўлади.

Мазкур босқичда сайловга доир бир неча қонун ҳужжатлари амалда бўлиб, айнан шу давр сайлов комиссиясининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилишнинг аниқ тартиби ўрнатилганлиги билан характерлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунининг 20-моддасида ҳар бир фуқарога унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссиялари, давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳамда жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланди.

Ушбу даврда ҳам «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида» ги қонун (1995 йил 30 августдан 2018 йил 18 ноябрга қадар амалда бўлган) қўлланилган. Фақат ушбу қонунга Олий суд Пленумининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида» ги қарори асосида янада аниқлик киритилиб, унинг 5-бандида қуйидаги қоида келтириб ўтилади:

«Юқорида кўрсатилган қонунга мувофиқ, давлат органларида, ўзини-ўзи бошқариш органларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда, кооперативларда, жамоат ташкилотлари ҳамда бирлашмаларида ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни доимий ёки вақтинча эгаллаб турган ёхуд шундай мажбуриятларни махсус ваколат бўйича бажараётган ҳар қандай шахснинг ҳаракати устидан судга шикоят қилиш мумкин».

Ушбу нормада «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида» ги қонуннинг фақат давлат органларига эмас, балки бошқа корхона муассаса, ташкилотлар, бирлашмаларда доимий ёки вақтинчалик фаолият юритаёт-

ган мансабдор шахслар ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи ўрнатилган бўлиб, бундан сайлов комиссиялари устидан ҳам шикоят қилиш мумкинлиги англашилади. Негаки, сайлов комиссиялари ҳам доимий ва вақтинчалик фаолият юритувчи сайлов жараёнларида ташкилий бошқарув ваколатини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

Бу даврдаги низолар 2017 йил 1 июнга қадар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган.

2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 4966-сон Президент фармони билан 2017 йил 1 июндан жойларда маъмурий судлар фаолият бошлади. Айнан ана шу вақтни сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)ни судда кўришнинг учинчи даври сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки, мазкур даврдан сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқлилиги ҳамда бундай ишлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар тоифасига кириши белгиланди.

2018 йил 1 апрелдан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниши билан сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан келиб чиқувчи низоларни судда кўришнинг процессуал тартиби алоҳида қонунчилик асосида тартибга солинадиган бўлди. Бунинг амалий аҳамияти шундаки, маъмурий ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш фуқаролик процессуал қонунчилигига асосланиб эмас, балки маъмурий ишларни юритишга доир алоҳида процессуал қонун билан тартибга солинган. Шу боис буни сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг кейинги босқичи сифатида олишимиз мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бундай низоларни ҳал этишнинг процессуал тартиби алоҳида қонунчилик асосида тартибга солиниши белгиланган бўлса-да, қоидалар олдинги қонунчилик билан деярли бир хил.

Тўртинчи босқичга 2021 йил 8 февралдаги ЎРҚ-670 сонли қонуннинг қабул қилинишини киритиш мумкин.

2019 йил 25 июнда сайловга доир қонун ҳужжатлари кодификациялаштирилиб янги Сайлов кодекси қабул қилинди. Аммо бунда сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан низолашиш олдинги қонунчилик билан бир хил бўлган, яъни иккала даврда ҳам қуйидаги мазмунга эга қоида амал қилган:

“... сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Олий судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга”.

2021 йил 8 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан сайлов комиссиясининг қарорлари юзасидан низолашишнинг маъмурий тартиби, яъни юқори турувчи сайлов комиссиясига муро-

жаат қилиш бекор қилинди ҳамда судга шикоят қилиш муддати ҳам қисқартирилди. Эндиликда жорий қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг беш кун ичида фақат судга шикоят қилиниши мумкин. Фикримизча, ушбу тартиб Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ)нинг 2019 йил 22 декабрда Парламент сайловлари юзасидан берган якуний ҳисоботи асосида халқаро стандартларга мослаштирилган. Ушбу ҳисоботда келтирилишича: “... бу сайлов ва натижаларнинг легитимлиги борасида узоқ давом этадиган баҳсларга олиб келиши мумкин. Шикоят қилиш муддатларини халқаро намунавий амалиётларга мувофиқ камайитириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят қилишнинг икки йўли (суд ёки юқори турувчи сайлов комиссияси) кўзда тутилганлиги англашилмовчиликка олиб келиши, комиссиялар билан судларни такрорий шикоятлар билан банд қилиб қўйиши, бир хил бўлмаган ёки бир-бирига зид қарор ҳамда ҳукмлар чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Такрорий шикоятлар, бир хил бўлмаган ёки бир-бирига зид қарор ҳамда ҳукмлар чиқарилиши эҳтимолининг олдини олиш учун икки усулда шикоят қилиш тизими қайта кўриб чиқиши лозим”.

